

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ



САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ
Иқтисодиёт ва бошқарув факултети

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Иқтисодиёт ва бошқарув
факултети декани и.ф.н.,
доцент _____
Ф.Б.Ахроров
«___» _____ 2013 йил

«Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва бошқаруви» кафедраси
5340100-«Иқтисодиёт» (қишлоқ хўжалиги) йўналиши бўйича

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: “Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда фермерлик
харакатининг роли ва улар фаолиятини такомиллаштириш чора
тадбирлари” (Жомбой тумани фермер хўжаликлари мисолида)

Бажарди: 5340100-«Иқтисодиёт»

(қишлоқ хўжалиги) йўналиши

4- босқич талабаси

Каримов Зафаржон

Илмий раҳбар: доцент

З.Д.Ниёзов

Битирув малакавий иш
муҳокама қилинди ва
ҳимояга рухсат берилди

Кафедра мудир, и.ф.д.,
профессор
_____ О.Муртазаев
«___» _____ 2013 йил.

САМАРҚАНД – 2013

МУНДАРИЖА

	бет
Кириш.....	4
1. Мавзуни назарий асослаш ва адабиётлар шарҳи	10
2. Фермер хўжалигида ресурслар салоҳиятидан фойдаланиш имкониятлари.....	14
2.1. Фермер хўжалигида ер-сув ресурслари ва улардан самарали фойдаланиш имкониятлари.....	14
2.2. Фермер хўжалигида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш имкониятлари.....	19
2.3. Фермер хўжаликларининг моддий-техника ресурслари ва улардан самарали фойдаланиш имкониятлари.....	24
3. Жомбой тумани қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда фермерлик ҳаракатининг ҳозирги ҳолати	34
3.1. Фермер хўжаликлари фаолиятини юритишнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш.....	34
3.2. Фермер хўжаликларида маҳсулот ишлаб чиқариш рентабеллигининг ҳозирги ҳолати таҳлили.....	44
3.3. Фермер хўжаликларида маҳсулот ишлаб чиқаришдан олинган фойданинг омилли таҳлили.....	52
4. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда фермерлик ҳаракатини режалаштириш ва унинг фаолиятини такомиллаштириш.....	54
4.1. Фермер хўжаликларида маҳсулот таннархини камайтириш йўллари.....	54
4.2. Фермер хўжаликларининг фаолият самарадорлигини ўстиришда қишлоқ инфратузилмаси ролини ошириш.....	59
4.3. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда фермерлик ҳаракатини такомиллаштириш чора тадбирлари.....	65
5. Фермер хўжаликларида меҳнат шароити ва ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш йўллари.....	74
Хулоса ва таклифлар.....	79
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	82

Кириш

Ўзбекистон Республикаси мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохатларни амалга оширмоқда. Аграр соҳада қишлоқда мулкдорлар синфини шакллантириш ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий асослари яратилди. Бунинг натижасида қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг аксарият қисмини нодавлат сектор - фермер ва деҳқон хўжаликлари томонидан етиштиришга эришилди.

Мамлакатимизда кўплаб фермер хўжаликларининг асосий воситалар, техника ва механизмлар билан тўлиқ таъминланмаганлиги, шу жумладан, хўжаликларда техник сервис хизматлари кўрсатаётган Машина–трактор парклари Давлат акциядорлик жамияти (МТП ДАЖ) ва муқобил МТПларидаги мавжуд ҳайдов тракторларининг 25 ва транспорт тракторларини эса 18 фоизининг эскириб яроқсиз ҳолга келганлиги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарали фаолият юритишига жиддий тўсқинлик қилаётган омиллардан бири ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида рақобатбардош тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқаришни таъминлайдиган юқори унумли технологияларни ва қўшимча маблағларни жалб қилиш масаласи ҳозирги кунда ўта долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда .

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Макроиқтисодий барқарорлик, ишлаб чиқаришнинг изчил ва мутаносиб ўсиш суръатларини таъминлаш, жалб этилаётган инвестицияларни кўпайтириш ҳисобидан таркибий ўзгаришларни қатъий давом эттириш, иқтисодиёнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ва янгилаш-биз учун бош вазифа бўлиб қолади»¹.

Мамлакатимизда мустақиллик йиллари мобайнида қишлоқ хўжалиги соҳасида бозор муносабатларини жорий этиш ва хусусий мулкчилик

¹ Каримов И.А. Инсон манфаатлари устиворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир – Тошкент, 2008. – 23 бет.

шаклини ривожлантиришда фермерларга ҳар томонлама қулай шароитлар яратиш, ҳамда уларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш мақсадида ҳукуматимиз томонидан бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Бу борада фермерликни ривожлантириш, фермер хўжаликларининг иқтисодий ва молиявий мустақиллиги учун мустаҳкам ҳуқуқий асослар ва кафолатларни яратиб берувчи Ер кодекси, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонун ҳамда бошқа қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар борки, уларнинг барчаси деҳқонларимизнинг эркин фаолият юритишларини таъминлашга қаратилган.

Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш, аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтириш, қишлоққа саноатни олиб кириш ва муқим иш жойларини яратишда фермер хўжаликларининг ўрни катта. Шу боис, кейинги йилларда бевосита давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мазкур соҳага кенг имкониятлар яратиш, фермерлик фаолиятини иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 октябрда «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони эълон қилинган эди. Эътиборлиси, мазкур фармон орқали иқтисодиётимизнинг ривожланишига ўзига хос ҳисса қўшиб келаётган ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда етакчи бўғинга айланиб улгурган фермерларимизга янада кенг имкониятлар ва енгилликлар берилмоқда.

Жумладан, эндиликда фермер хўжаликларининг ҳуқуқлари, манфаатлари ҳимоя қилиниши ва самарали фаолият юритишини таъминлаш, фермерликни ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш, фермер хўжаликларининг ўзини-ўзи бошқариш таъсирчан механизмларини яратиш, уларнинг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, тайёрлов, таъминот ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари билан ўзаро муносабатлари янада такомиллашади.

Шунингдек, фермер хўжаликларининг иқтисодий мустақиллиги ва молиявий барқарорлигини ошириш, уларнинг ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, замонавий технологияларни жорий этиш ва қишлоқ хўжалик хом ашёсини комплекс қайта ишлаш, шунингдек, қишлоқда янги ишлаб чиқаришлар ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ташкил қилиш ҳамда ривожлантириш ҳисобига механизациялаш даражаси ва рентабелликни оширишдан манфаатдорлигини рағбатлантириш чораларини кучайтириш ишлари кўзда тутилмоқда.

Маълумки, айти пайтда республикада қарийб 66 мингдан зиёд фермер хўжалиги бўлиб, улар тасарруфидаги ўртача ер майдони 85 гектарни ташкил этади. Кейинги ўн йил мобайнида фермерлар томонидан дон етиштириш 10 баробарга, картошка — 13, мева — 26, узум эса 20 баробардан зиёдга ошди. Пахта ҳосилдорлиги эса 1,2-2,5 ц/га, бошоқли дон экинлари ҳосилдорлиги эса 2,0-2.7 ц/га ортди.

Бундай натижалар фермерлар тимсолида халқимиз деҳқончилигига хос бўлган тарихий менталитет қайта тикланиб, асосий ривожланиш ва тараққиёт омилига айланганини ҳам кўрсатади.

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида қишлоқ хўжалиги соҳасида ислохотларни амалга оширишда фермер хўжаликларини ташкил этиш ва ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрда қабул қилинган Фармонида ҳам фермерлик ҳаракатини ривожлантиришда ўзини ўзи бошқаришнинг демократик тамойилларга таянадиган таъсирчан тизимини ташкил этишга оид муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Бугунга келиб мамлакатимиздаги фермерлик ҳаракати 66 мингдан зиёд фермер хўжалигини ўзида бирлаштирмоқда. Республикадаги жами ҳайдаладиган ерларнинг 85 фоиздан ортиғи, етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий қисми айнан фермерларимиз ҳиссасига тўғри келади. Яна бир эътирофли жиҳат, сўнгги йилларда фермерларда мулкка эгалик ҳисси ортиб бормоқда. Бу ўз навбатида қишлоқ хўжалиги

экинлари ҳосилдорлигининг кўпайиши, маҳсулотлар сифати ва ерлар унумдорлигининг ошишига хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 6 октябрдаги "Фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкалари майдонини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармойиши шу каби масалаларнинг ечимини топиш мақсадида қабул қилинди. Мазкур ҳужжат ижросини таъминлаш юзасидан амалга оширилган мақбуллаштириш жараёнида республикамиздаги фермер хўжаликлари сони 215 минг 776 тадан 107 минг 381 тага ёки 51 фоизга камайди. Бунда фермер хўжаликларининг ўртача ер майдонлари 27,4 гектардан 47,5 гектаргача кенгайди. 2009 йилдаги мақбуллаштириш жараёни таҳлил қилинганда, фермер хўжаликларининг айланма маблағлари кўпайгани, ер, минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш, техника ва бошқа моддий ресурслардан самарали фойдаланиш кўрсаткичлари бирмунча ошгани маълум бўлди. Натижада қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳажми сезиларли даражада кўпайди. Жумладан, далалардан йиғиб-териб олинган ғалла 385 минг тоннага, мева-сабзавот ва картошка маҳсулотлари 800 минг тоннага ошди. Ўтган йил деҳқонларимиз учун мураккаб келганлигига қарамасдан, фермерларимиз мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиб, ҳосилдорликни ғаллачиликда 5,2, пахтачиликда 1,9 центнерга оширишга муваффақ бўлдилар. Бу кўрсаткичлар юртимиз деҳқончилигининг катта ютуғидир.

Шу ўтган даврларда ширкат хўжаликлари негизида 215 мингга яқин фермер хўжаликлари ташкил этилди. Уларнинг янада самарали фаолият юритиши учун ер участкалари оптималлаштирилиб, 66 мингдан ортиқ фермерлар танлаб олинди. Бунда фермер хўжаликларининг ўртача ер майдони 27 гектардан 80 гектаргача кўпайди. Ҳозир суғориладиган ерларнинг 85 фоизи фермерлар тасарруфида.

Бугунги кунда юртимизда қишлоқ мулкдорларининг ривожланиши учун ҳар томонлама шароитлар яратилган бўлиб, улар мамлакат иқтисодиётини юксалтириш, халқимизнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган

эҳтиёжини янада тўлароқ қондиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. 1990 йилда аҳоли истеъмоли учун зарур бўлган ғалланинг 82 фоизи, гўшт ва гўшт маҳсулотларининг 50 фоиздан кўпроғи, сут ва сут маҳсулотларининг 60 фоизи, картошканинг 50 фоизи четдан келтирилар эди.

Фермерлик ҳаракатига устувор аҳамият берилиб, қишлоқда мулкдорлар синфини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга йўналтирилган аграр сиёсат самарасида 2000-2011 йилларда фермер хўжаликларида дон етиштириш 10 баробарга яқин, картошка 13 баробар, мева 26 баробар, узум 20 баробардан зиёд ошди.

Фақат 2012 йилнинг ўзида 1,2 миллион гектар суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Кучли ва ўрта шўрланган майдонлар 81 минг гектарга камайди, 365 минг гектар майдонда ерости сувларини қишлоқ хўжалиги экинлари учун мақбул сатҳларга туширилишига эришилиб, ҳосилдорлик пахтачиликда 2003 йилга нисбатан 4,9 центнерга, ғаллачиликда эса 9,5 центнерга ошди.

Хусусан, 2008-2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури асосида амалга оширилаётган тадбирлар учун давлат бюджетидан 600 млрд. сўмдан ортиқ маблағ сарфланган ва қарийб 100 минг гектар кучли ва ўрта шўрланган майдонларнинг ҳолати яхшилانган. Натижада 2010-2012 йилларда пахта ҳосилдорлиги 1,6-2,5 ц/га ва бошоқли дон экинлари ҳосилдорлиги 2,0-2,7 ц/га га ортган. 2003 йилга нисбатан эса ушбу кўрсаткичлар тегишлича 4,5 ц/га ҳамда 8,6 ц/гани ташкил этган.

Айни пайтда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида 1991 йилга нисбатан пахта майдонлари 1,4 млн. гектаргача қисқартирилиб, ғалла майдонлари 1,3 млн. гектарга етказилди.

Юқоридагилар, қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришда фермер ҳаракати ривожлантириш ва хўжаликлардан самарали фойдаланиш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш масаласи ушбу битирув малакавий иши долзарблигини белгилайди.

Битирув малакавий ишининг мақсади, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда фермерлик ҳаракатининг роли ва улар фаолиятини такомиллаштириш бўйича аниқ таклиф ва тавсиялар беришдан иборатдир.

Шу мақсаддан келиб чиққан ҳолда илмий ишнинг асосий вазифалари деб қуйидагилар белгиланди:

- мавзуни назарий асослаш ва мавзуга оид бўлган адабиётларни ўрганиш;
- фермер хўжаликларида ресурслар салоҳиятидан фойдаланиш имкониятларини таҳлил қилиш;
- фермер хўжаликларини ташкилий-иқтисодий асослари ўрганиш;
- фермер хўжаликларида маҳсулот ишлаб чиқариш рентабеллигини таҳлил қилиш;
- фермер хўжаликларида маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш йўллариини ўрганиш;
- қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда фермерлик ҳаракатини такомиллаштириш бўйича илмий амалий тавсиялар бериш.

Битирув малакавий иши Жомбой тумани фермер хўжаликлари мисолида илмий тадқиқотлар олиб борилди.

1. Мавзуни назарий асослаш ва адабиётлар шархи

Мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз турмуши фаровонлиги ва рўзгоримиз ободлиги бевосита аграр сектор ривожига боғлиқ. Шу боис, фермер хўжаликларининг истиқболли йўналишларини белгилаб олиш ҳар жихатдан муҳимдир. Модомики шундай экан, аввало, фермер хўжаликларини янада такомиллаштириш ва уларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, ер-сув ресурсларидан ва яратилган шарт-шароитлардан самарали фойдаланишларини тўғри ташкил этиш бирламчи вазифа ҳисобланади.

Бу борада мамлакатимизнинг етакчи олимлари ҳозирги кундаги иқтисодиётимизга ўзларининг самарали илмий меҳнатлари муҳим аҳамиятга эга. Битирув малакавий ишини ёзиш давомида қуйидаги адабиётларга шарҳ бериб ўтамиз:

1. Абдуллаев А.А., Айбешов Х.А. Фермер хўжалиги иқтисоди. -Т.: Алоқачи, 2008.

Ушбу ўқув қўлланмада аграр соҳада ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг илғор шаклларида бири ҳисобланган фермер хўжаликларининг илмий назарий асослари, мавжуд манбаларидан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муваффақиятли бошқариш билан боғлиқ бўлган масалалар атрофилича ёритилган.

2. Абдукаримов Б.А. ва бошқалар Корхоналар иқтисодиёти. -Т.: Фан, 2005.

Ушбу дарсликда бозор иқтисодиётининг шаклланиши шарт шароитида корхоналар иқтисодиёти ва фаровонлигининг ташкил этилиши билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилган. Дарсликда корхоналар фаолиятининг асосий кўрсаткичлари ҳолатини баҳолаш усуллари йўганишга катта эътибор берилган. Бозор шароитида корхона бизнес-режасини ишлаб чиқиш корхоналар фаолиятини режалаштириш бўйича, инвестициялаш, корхона хавфсизлиги ва унинг тижорат сири масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

3. Атабаева Х., Қодирхўжаев О. Ўсимликшунослик. -Т., 2006.

Ушбу дарсликда қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштириш ва уларни агротехникаси кенг ёритилиб берилган. Қишлоқ хўжалигида доимо янги навларини яратилиши ва уларни кўпайтириш ҳамда уни бошқаришни такомиллаштириш ва якуний маҳсулот сифатини яхшилашга қаратилган.

4. Жўраев Ф. Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш. -Т.: Истиқлол, 2004.

Ушбу адабиётда қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқариш муносабатларини бозор тизими асосида шакллантиришнинг долзарб масалалари, турлихил мулк шаклидаги корхоналарни ташкилий хўжалик асослари, хусусан фермер хўжаликларини янги концепцияси асосида шакллантириш ва ривожлантириш, ишлаб чиқаришни ташкил этишда ижара муносабатлари ва оила пудратининг ўрни, меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги тизими, хўжалик юритиш механизмларини такомиллаштириш, хўжалик юритиш тизими ва ички хўжалик ҳисобини жорий этиш, деҳқончилик ва чорвачилик тармоқларини ташкилий - иқтисодий асослари, бизнес режалаштиришни такомиллаштириш ва шунга ўхшаш долзарб муаммоларни ўрганишнинг назарий ва амалий асослари акс эттирилган.

5. Исмоилов А.Қ., Муртазаев О. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. -Т.: 2005.

Ушбу адабиёт қишлоқ хўжалиги иқтисодиётининг умумий масалалари, товар - пул муносабатлари, мулкчиликни ташкил топиш хусусиятлари, ресурслар потенциали уларни баҳолаш ва оқилона фойдаланиш, шунинг деҳқончилик ва чорвачилик тармоқларини ташкилий-иқтисодий асослари, бизнес режалаштиришни такомиллаштириш ва шунга ўхшаш долзарб муаммоларни ўрганиш хусусиятлари ёритилган. Қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилаётган ишлар ва қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти бўйича батафсил ёритилиб берилган.

6. О.Муртазаев, И.Ғаниев, Ф.Ахроров, Ш.Ҳасанов, А.О.Муртазаев Пахтачилик мажмуаси тармоқлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш. Монография. -Т.: Наврўз, 2012.

Ушбу монографияда пахтачилик агросаноат мажмуасини ривожлантиришнинг объектив зарурияти асосланган ва самарадорлигининг назарий ва ҳуқуқий асослари ривожлантирилган. Шунингдек, мажмуанинг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилган ва уни ҳисоблаш тартибига ўзгартиришлар киритилган. Пахтачилик агросаноат мажмуаси корхоналарининг ресурсларини баҳолаш услубиёти ривожлантирилди.

7. Олимжонов О. ва бошқалар Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий ва молиявий асослари. -Т.: Университет, 2005.

Ушбу адабиётда фермер хўжаликларини ривожлантириш ва унинг фаолиятини такомиллаштириш қаратилган зарурий томонлари назарий ва амалий жиҳатдан ёритилган. Фермерлик ҳаракатини ривожлантириш бу қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва қишлоқ хўжалиги ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилашга олиб келади.

8. Умирзоқов Ў.П., Ж.Тошбоев А., Тошбоев А.А. Фермер хўжалиги иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. -Т.: Иқтисод-молия, 2008.

Ушбу ўқув қўлланмада фермер хўжалигида эркин ишлаб чиқариш муносабатларини шакллантиришнинг назарий, ҳуқуқий ва иқтисодий асослар ёритилган. Қўлланмада фермер хўжаликларда ер сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, моддий техника таъминоти, меҳнат ресурслари, мол-мулк, хизмат кўрсатиш инфратузилмаси ва қишлоқ хўжалигида машина трактор паркидан фойдаланиш кенг ёритилган. Қишлоқ хўжалик корхоналарида машина трактор паркининг ташкилий тузилишини ва унинг кўрсаткичлари 7-бобда тушунтирилган.

9. Эргашев Р.Х. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. -Т.: Extremum Press, 2011.

Ушбу дарсликда қишлоқ хўжалиги иқтисодиётидаги ислохотларни эркин бозор шаклларида ўтишини ва мустақил товар ишлаб чиқариш самарадорлиги кенг ёритилган. Қишлоқ хўжалигидаги мавжуд ер-сув, моддий – техника ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишнинг

ҳозирги ҳолати, қишлоқ хўжалик корхоналарининг барқарор шаклланиши, иқтисодий самарадорлигини илмий жиҳатдан асосланган ҳолда таҳлил қилиниб, истиқболда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг барқарор суръатда ривожланиш йўналишлари очиб берилган. 7-бобида қишлоқ хўжалиги корхоналарида машина трактор паркидан фойданиши самарадорлигини ошириш ва уларнинг иқтисодий курсаткичларини тўлик баён этилган.

10. Қудратов Т. ва бошқалар Корхоналар фаолиятининг иқтисодий таҳлили. Методик қўлланма. –Самарқанд, 2006.

Ушбу қўлланмада қишлоқ хўжалик корхоналарида хўжалик фаолиятини ҳисоблаш йўллари ёритилиб берилган. Фермер хўжаликларида ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш чора тадбирлари батафсил ёритилиб берилган. Хўжалик юритувчи ҳар бир фермер хўжалигининг фаолиятини ҳар томонлама ва чуқур ўрганиш орқали маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва иқтисодини мустаҳкамлаш имкониятлари аниқланган. Ушбу методик қўлланмада қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятининг таҳлили батафсил таҳлил қилиниб берилган.

2. Фермер хўжалигида ресурслар салоҳиятидан фойдаланиш имкониятлари

2.1. Фермер хўжалигида ер-сув ресурслари ва улардан самарали фойдаланиш имкониятлари

Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётининг асосларидан бири бу табиий ресурслардир. Табиий ресурсларнинг энг керакли унсурларига эса ер киради. Ер қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг асосий омили, меҳнат йўналтирилган объект сифатидаги меҳнат предмети, шунингдек, турли хил маҳсулотларнинг жойлашув макони, инсонлар учун турар жой ҳамда ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсининг яшашига мўлжалланган меҳнат куролидир. Ҳар бир халқ ва миллат ерни асосий бойлиги сифатида еътироф этади, бир нечта шарт ва омилларни бирлаштирган ҳолда қишлоқ хўжалигидаги афзалликларни ер орқали тавсифлайди.

Ер ресурслари – бу қуруқлик юзасининг жами йиғиндиси бўлиб, унинг таркибига бошқа табиий объектлар ҳам киритилади. Булар: ўрмонлар, ўсимлик ва бошқа тирик организмлар, сув объектлари. Ер ресурсларининг сув объектлари ўз ичига кўллар, кўлмак ва ҳовузлар, ариқларни қамраб олади. Океан, денгизлар ва дарёлар эса сув ресурслари таркибига киради.

Ҳар бир давлатнинг ер-сув ресурслари табиат ва жамиятда яшаш манбаидир, шунингдек, ер ва сув бир-бирининг мавжудлигини тақозо қилади.

Ер ресурслари ҳам бошқа ресурслардек ўз хусусиятларига эга.

Биринчидан, ер – табиат маҳсули, инъоми ҳисобланиб, у инсон меҳнати билан яратилмайди. Инсон фақатгина ерга меҳнатини йўналтириб, ё ернинг аҳволини яхшилайти, ёки умуман ёмон аҳволга солиши мумкин. Лекин инсон ўз хоҳиши билан ер ресурсларини ҳосил қилолмайди.

Иккичидан, ер чегараланган табиий ресурсдир. Инсон хоҳлаганча ерни кўпайтира ёки камайтира олмайди. Шу сабабли, бош мақсад ердан самарали ва тўғри фойдаланишдир. Бир мамлакат миқёсида ер миқдори

унинг чегаралари билан аниқланса, умуман ҳудудлар сифатида эса ер миқдори қуруқлик юзаси билан белгиланади.

Ер ресурслари жисмоний нуқтаи назардан мураккаб мажмуа ҳисобланади. Бу мажмуа турли омиллар (кимёвий, физик, биологик) бирлашмаси билан характерланади. Ер ресурслари турли ер участкаларидан иборат бўлиб, улар бир-биридан тупроқ турлари, рельефи, миқдори ва бошқа характеристикаси билан фарқланади.

Учинчидан, ер абадий ишлаб чиқариш воситасидир. Шунингдек, ер ҳар доим ишлаб чиқаришдаги энг асосий омил сифатида ўз ўрнини йўқотмайди. Ундан маблағни кўпайтириш, ишлаб чиқаришда замонавий технологиялар орқали қишлоқ хўжаликдаги ерлардан унумли ва самарали фойдаланиш, шунингдек саноат ва уй-жой қурилиши мақсадида фойдаланиш мумкин. Шу билан бирга, техника тараққиёти юксак чўққиларга кўтарилганига қарамай ерни бошқа ишлаб чиқариш омиллари билан алмаштириб бўлмайди.

Ер ресурсларининг асосий қисми қишлоқларга тўғри келади. Статистика маълумотларга қараганда, АҚШ қишлоқ хўжалигига мамлакатдаги мавжуд ерларнинг 90 фоизини ажратади. Европа иттифоқи мамлакатларида мавжуд майдоннинг 80 фоизи, Россия Федерациясида эса 90 фоизга яқини қишлоқ хўжалигига йўналтирилган. Ўзбекистон Республикасининг жами ер майдони 44,74 млн гектар. Шундан 9 фоизи қишлоқ хўжалигига йўналтирилган.

Ер-сув ресурсларидан фойдаланиш усуллари турлича бўлиб, айниқса ер фондидан фойдаланиш учун инсонлар ва жамоалар бир-бири билан рақобат қиладилар. Улар ўз манфаатлари йўлида, шунингдек давлатга фойдалари тегиши мақсадида ерлардан фойдаланадилар.

Ер фондларини тақсимлаш ва давлат ҳисобидан ўтказиш давлатларда ер категориялари ҳамда ер бонитетларига қараб амалга оширилади. Ер категориялари бу ер фондининг бир қисми бўлиб, улар мақсадли равишда

хукукий режим асосида тақсимланган. Қонун ҳужжатлари асосида ер категориялари қуйидагиларга бўлинади (2.1.1-жадвал):

2.1.1-жадвал

Ўзбекистон ер фондининг тоифалар бўйича тақсимланиши

№	Ер фондининг тоифалари	Жами майдон		Шундан суғориладигани	
		Минг, га	Жами ерга нисбатан фоизи	Минг, га	Жами ерга нисбатан фоизи
1	Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар	22264,6	50,13	4213,8	9,49
2	Аҳоли пунктларининг ерлари	235,4	0,53	49,7	0,11
3	Саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар	1968	4,43	11,7	0,03
4	Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар	75,5	0,17	0,6	0,001
5	Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар	0,4	0,001	0	0
6	Ўрмон фонди ерлари	8661,2	19,5	29,4	0,07
7	Сув фонди ерлари	815,8	1,84	4,5	0,01
8	Захира ерлар	10389,4	23,4	1,9	0,004
	Жами ерлар:	44410,3	100	4311,6	9,71

Манба: www.stat.uz

2.1.1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикасида ер фондининг тоифалари бўйича тақсимланганда жами ер фондига нисбатан ҳам суғориладиган ер ресурсларига ҳам қишлоқ хўжалик ерлари кўп қисмини ташкил этмоқда. Бу албатта мамлакатимизнинг аграр соҳага ихтисослашганлигини билдиради.

Ер экин майдони бу шундай ерларки, у аниқ мақсад йўлида, хўжаликлар шаклида фойдаланишга яроқлидир. Ер категориялари йиғма ва шартли тушунча бўлса, экин майдони маълум чегара, майдон ва жойлашувга эга. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер категориясининг асосини ҳам унумдор ерлар ташкил қилади. Қуйида Жомбой тумани қишлоқ хўжалик корхоналарининг 2010-2012 йиллардаги қишлоқ хўжалик экин майдонлари таркиби берилган(2.1.2-жадвал).

2.1.2-жадвал

Жомбой тумани қишлоқ хўжалик корхоналарининг экин майдони таркибининг ўзгариши(гектар ҳисобида)

т/р	Кўрсаткичлар	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2012 йил 2010 йилга нисбатан ўзгариши, %	
					Микдори, +/-	Салмоғи, %
1	Ғалла	1214,1	1216,5	1264	49,9	104,1
2	Пахта	775,3	774,5	0	-775,3	0,0
3	Сабзавот	1564	1397	2639,4	1075,4	168,8
4	Полиз	332,2	110	300	-32,2	90,3
5	Мева	823	1050	1052	229	127,8
6	Картошка	25,4	144,1	270,5	245,1	1065
7	Узум(ҳосилли)	127,1	127,1	127,1	0	100
8	Бошқа ерлар	456,8	960	570	113,2	124,8
	Жами:	5317,9	5779,2	6223	905,1	117,0

Манба: Жомбой тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими маълумотлари

2.1.2-жадвал маълумотларидан маълумки, 2012 йил Жомбой тумани қишлоқ хўжалик корхоналарининг экин майдони 6223 гектарни, 2011 йил 5779,2 гектарни ва 2010 йил 5317,9 гектарни ташкил қилган. Туманда асосий қишлоқ хўжалик экинларидан ғалла, пахта, сабзавот, полиз, мева, картошка, ва узум ҳисобланади. Умумий экин майдонининг асосий таркибини ҳам

ушбу экинлар ташкил қилган. Ғалла экин майдони 2012 йил 1264 гектарни 2011 йил 1216,5 гектарни ва 2010 йил 1214,1 гектарни ташкил қилган. 2012 йил 2010 йилга нисбатан 49,9 гектарга ёки 4,1 %га ошган. Пахта 2012 йилда экилиши режалаштирилмаган. Туманнинг табиий иқлим шароитига кўра ихтисослашувига кўра сабзавотга экишга мослаштирилган. 2011 йил 774,5 гектарни, 2010 йил 775,3 гектарни ташкил қилган. Туманда сабзавот, полиз ва картошка етиштиришга ихтисослашганлиги аниқланди. Жадвалда келтирилган рақамлардан ҳам маълумки бу соҳадаги экинлар майдони камлиги.

Тумандаги етиштирилаётган экин майдонлари жамиси 2012 йил 2010 йилга нисбатан 905,1 гектарга ёки 17%га ошган. Бунинг сабаби бошқа хўжалик юритувчи субъектлардан олинган.

2.2. Фермер хўжалигида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш имкониятлари

Меҳнат - бу инсоннинг мақсадга йўналтирилган фаолияти бўлиб, унинг жараёнида моддий ва маънавий қийматга эга маҳсулотлар яратилади.

Меҳнат ресурслари мамлакат аҳолисининг бир қисми бўлиб, улар халқ хўжалигида ишлаш учун жисмоний имкониятлар, билим ва амалий тажриба йиғиндисига эга бўлади. Улар ўзларига аҳолининг 16 дан 55 ёшгача бўлган аёлларни, 16 дан 60 ёшгача бўлган меҳнатга қобилиятли еркакларни, шунингдек меҳнатга яроқлилиқ ёшидан катта ёки кичик халқ хўжалигида ҳақиқатан банд бўлганларни (ишлайдиган пенсионерлар ва мактаб ўқувчилари) қамраб олади.

Меҳнат ресурслари жамиятнинг асосий ва маҳсулдор кучи сифатида оқилона фойдаланилганда қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш маҳсулотларининг ўсишини ва уларнинг иқтисодий самарадорлигини таъминлайди.

Иқтисодий фаол аҳоли (ишчи кучи)-моддий қийматликлар ишлаб чиқиш ва хизмат кўрсатишда иштирок этишга имкониятли шахсларнинг йиғиндиси.

Банд аҳоли ишлаб чиқариш ёки ноишлаб чиқариш фаолиятига жалб этилган шахсдир. Аҳолининг банд қисмига ёлланиб ишлайдиганлар, тадбиркорлар, эркин касб эгаси бўлган шахслар, ҳарбий хизматчилар, касбий таълимнинг кундузги шаклида ўқиётганлар киритилади. Қишлоқ хўжалигида банд аҳоли сони 15-16 млн. кишини ташкил этади.

15-16 млн. киши ёки халқ хўжалигида банд бўлганларнинг 48 % и қишлоқ хўжалигида банд. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида 4,1 млн. киши ёки 38 % и ишлайди.

Бандлик иқтисодий категория сифатида иш жойи билан таъминлаш ва хўжалик фаолиятида иштирок этиш бўйича одамлар орасидаги муносабатлар тизимини ифодалайди. Аҳолининг бандлиги-одамларнинг ўзларининг шахсий эҳтиёжларини қондирилиши билан боғлиқ бўлган ва уларга меҳнат даромадлари келтирувчи, шунингдек, ҳақ тўлайдиган ишларни бажариши

билан боғлиқ бўлмаган (бола тарбияси, уй хўжалигини юритиш ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш ижтимоий фаолияти) фаолиятлардир. Бандлик одамларнинг фаолият турлари бўйича тақисмлашни изоҳлайди. Аҳолининг салмоқли қисми иқтисодий фаолият билан бандларни ташкил этади.

Қишлоқ хўжалигида ишсизлик ишлаб чиқаришининг пасайиши, меҳнатнинг юқори ишлаб чиқариш воситаларини ва меҳнатни тежайдиган технологияларни маҳсулот ишлаб чиқаришда тузилмавий ўзгариши, (сермеҳнат чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг кескин қисқариши), мулкчилик шаклининг ва хўжалик юритишнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгариши, иш ҳақининг пастлиги ва меҳнат шароитининг ёмонлигидан, одамларнинг ўз аризаси билан бўшаб кетиши, демографик жараёнлар (миграция, туғилиш, ўлим) ва бошқалар билан пайдо бўлади.

Меҳнат ресурслари тузилмаси – бу турли тоифадаги ишчиларнинг уларнинг умумий миқдorigа фоизли нисбати. Қишлоқ хўжалиги корхоналари ходимлари тузилмасида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида банд ишчилар улуши 85-90 %, шу жумладан доимийлар 70-75 %, шундан тракторчи-машинистлар 3-4 %, мавсумий ва вақтинчалик 5-6 %, раҳбарлар ва мутахассислар улушига 2-3 % тўғри келади. Тузилма кўплаб омиллар билан аниқланади: корхонанинг ўлчами ва ихтисослашганлиги; унинг интеграциялашув жараёнларида қатнашуви, табиий шароитлар ва бошқалар. У ёши, жинси, маълумот даражаси, иш стажи, малакаси каби қатор белгилар билан ҳисобланиши мумкин.

Ишчиларнинг рўйхатга олинган ўртача миқдори йилига уларнинг рўйхатга олинган ўртача миқдорининг ҳамма ойлар бўйича жамлаб олинган миқдорини 12 га бўлиш йўли билан топилади.

Ишчиларнинг бир ойда рўйхатга олинган миқдори, рўйхатдаги ишчилар таркиби сонини ойнинг ҳар бир календар кунига жамлаш ва олинган миқдорини ойнинг календар кунлари сонига бўлиш билан ҳисобланади.

Ишчиларнинг йиллик ўртача миқдорини, хўжалик ишчиларининг бир йилда ишлаган вақтини киши/соат, киши/кун) иш вақтининг йиллик фондига бўлиш йўли билан аниқланади.

Меҳнат ресурсларини қайта тақсимлаш шакли – ишчи кучи миграцияси, яъни меҳнатга қобилиятли аҳоли яшаш жойининг ўзгариши ва кўчиши. Бунда мамлакат чегарасидан ўтиб кетилиши ёки ўтилмаслигига қараб ички ва ташқи миграцияни фарқлайдилар. Ички миграция (мамлакат ҳудуди ичида, қишлоқдан шаҳарга) – аҳоли таркибининг ва жойлашувининг ўзгариши, бу билан мамлакат аҳолисининг сони ўзгармайди албатта. Ташқи миграция эса мамлакат аҳоли сонини кенгайтириб ёки миқдорини кўпайтириб унга таъсир этади. Ташқи миграция мамлакатдан ташқарига доимий яшаш учун кетган ва мамлакатга хориждан яшаш учун келган одамлар сони орасидаги фарқни ўзида акс эттиради.

Қишлоқ хўжалигида ва қайта ишловчи тармоқларда меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг ўзига хослиги ишлаб чиқариш даврларининг бир-бирига мос келмаслиги натижаси бўлган меҳнатнинг даврийлигидир. Даврийлик экиш, ўсимликларни парваришлаш, ҳосилни йиғиб олиш, қишлоқ хўжалиги хом-ашёларини қайта ишлаш даврида меҳнатга эҳтиёжнинг ортиши ва унинг қиш даврида камайишида ифодаланади.

Ўсимликчилик ва чорвачилик тармоқлари бўйича меҳнат ресурсларига талаб ҳар бир экин ва ҳар бир чорва моли тури бўйича тузилган технологик карта асосида белгиланади. Чорвачиликда меҳнат кучига талаб, шунингдек, чорва молининг бир ишчига тўғри келиши меъёрини ҳисобга олиб ҳам аниқланади.

Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятларидан бири ишнинг кўп қирралилигида ва бажариш муддати қисқа бўлган меҳнат функцияларининг ишчилар томонидан бирга олиб борилишида намоён бўлади.

Жамиятнинг ишлаб чиқарувчи кучлари ривожланиши билан аграр меҳнат аста-секин саноатнинг бир кўринишига айланмоқда. Бу алоҳида

ишлаб чиқариш жараёнлари – саноат асосида йўлга қўйилган (паррандачилик, чорвани саноат асосида бўрдоқига боқиш ва бошқа) чорвачиликда аниқ кўринади. Бироқ қишлоқ хўжалиги меҳнатининг ўзига хослиги тармоқни саноатлаштириш ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш жараёнларига таъсир этади.

Қишлоқ хўжалигида ишчи кучидан фойдаланиш даражасига ва агросаноат ишлаб чиқариши самарадорлигида таъсир этувчи муҳим омил корхонанинг меҳнат ресурслари билан таъминланганлигидир. Ишчи кучи билан етарлича таъминланмаганлик ишлаб чиқаришнинг режалаштирилган ҳажми бажарилмаслигига, дала ишларини ўтказишнинг оптимал агротехник муддатларига амал қилмаслик, охир-оқибатда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқаришига олиб келади. Меҳнат ресурслари билан керагидан ортиқ таъминланганлик эса ишчи кучидан тўлиқ фойдаланмаслик ва меҳнат унумдорлиги пасайишига олиб келади.

Қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқишга жами меҳнат сарфини ҳисоблаб чиқиш давомида моддийлашган меҳнатга тегишли – 60,9 %, жонли меҳнат улушига 39,1 % тўғри келади, шу жумладан, ундан тўғридан-тўғри меҳнат сарфи 24,3 % дан иборат.

Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш учун бошқа кўрсаткичларни ҳам қўллаш мумкин: куннинг иш вақтидан фойдаланиш коэффициенти, бир ишчи томонидан йил давомида ишланган киши/соат сони, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражаси. Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини таснифловчи асосий иқтисодий категориялар меҳнат унумдорлигидир. У ишлаб чиқариш ҳажми ва меҳнат сарфлари орасидаги алоқани ифодалайди. Меҳнат унумдорлиги, деганда аниқ жонли меҳнатнинг бирлик сифатида олинган вақтнинг қандайдир даврида (соат, иш куни, смена, йил) маҳсулотнинг маълум сонини ишлаб чиқишни тушунилади.

Қуйидаги жадвалда Жомбой тумани ҳудудидаги меҳнат ресурсларини таҳлил қилиб чиқамиз.

2.2.1-жадвал

Жомбой тумани фермер хўжаликлари ҳудудидаги меҳнат ресурслари таркибининг ўзгариши(киши ҳисобида)

т/р	Кўрсаткичлар	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2012 йил 2010 йилга нисбатан ўзгариши, %
1	Туман ҳудудда яшовчи мавжуд аҳоли	121230	124200	132111	109,0
	шундан: хотин- қизлар	60615	62100	66050	109,0
2	Меҳнат ресурслари	82120	82630	83030	101,1
	шундан: хотин- қизлар	20530	20657	20757	101,1
3	Ўртача банд бўлган аҳоли сони	46005	46345	46455	101,0
	шундан: хотин- қизлар	11501	11586	11613	101,0
	Кичик бизнесда банд аҳоли сони	35757	40450	40866	114,3
	Меҳнатга қобилиятли ёшдан катталар	30	41	53	176,7
4	Меҳнатга қобилиятсизлар	23	20	24	104,3
5	Хўжаликда яшаб бошқа жойда ишловчилар	450	480	420	93,3

Манба: Жомбой тумани Статистика бўлими маълумотлари

2.2.1-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, Жомбой тумани бўйича мавжуд аҳоли сони 2012 йил 132111 кишини ташкил қилган. Меҳнат ресурслари 2012 йил 83030 кишини ва кичик бизнесда банд аҳоли сони 40866 кишидан иборат бўлган. 2012 йил меҳнат ресурслари 2010 йилга нисбатан 1,1 фоизга ошган.

2.3. Фермер хўжаликларининг моддий-техника ресурслари ва улардан самарали фойдаланиш имкониятлари

Фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда энг муҳим омил уларни моддий-техника ресурслари билан таъминлашни яхшилашдир. Бунинг учун давлат фермер хўжаликларини моддий-техника ресурслари билан таъминлаш механизмини такомиллаштириб бориш лозим бўлади. Бу механизм ташкилий, ҳуқуқий ва иқтисодий дастак ва воситаларни ўз ичига олади.

Давлат фермер хўжаликларининг моддий-техника таъминотини қўллаб-қувватлаш механизмида рақобат муҳитини, хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиши муҳим аҳамиятга эга. Ҳуқуқий жиҳатдан қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришга доир қонун, меъёрий ҳужжатлар, дастурлар қабул қилиш ҳамда уларни амалга ошириш чоратадбирларини кўради. Фермер хўжаликларини моддий-техника ресурслари билан таъминлашда давлат томонидан хўжаликларни имтиёзли кредитлар билан таъминлаш, моддий-техника таъминоти корхоналарини субсидиялаштириш, ушбу соҳа мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни молиялаштириш амалга оширилмоқда. Бу тизим бозор иқтисодиёти талабларига мувофиқ равишда такомиллаштирилиб борилади.

Эндиликда фермер хўжаликларининг моддий-техника таъминотини яхшилаш, ривожлантириш учун асосий йўналишларни белгилаб олиш керак бўлади. Фермер хўжаликларининг моддий-техника таъминотини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- ҳар бир қишлоқ хўжалиги зонасига мос келадиган иқтисодий жиҳатдан қулай бўлган техника ишлаб чиқариш ва шу асосда ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаштириш;
- ишлаб чиқаришни автоматлаштириш воситаларидан кенг кўламда фойдаланиш;
- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ўғитлардан фойдаланишни тўғри

ташкил этиш ва иқтисодий жиҳатдан қулай бўлган биологик воситаларга ёндошиш;

- ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотлари қуришни кенг қўламда авж олдириш ва қурилишни такомиллаштириш;

- ерларнинг мелиорация ҳолатини яхшилаш ва қишлоқ хўжалигини сув билан тўла таъминланишига эришиш, яъни ерларга маҳаллий ўғитлар солиш ҳамда суғоришнинг илғор технологияларини қўллаш;

- чорвачилик фермаларини маҳсулдор зотли ҳайвонлар билан таъминлаш ва электрлаштириш даражасини ошириш ҳамда қишлоқ хўжалиги экинларини касалликларга бардош бера оладиган юқори ҳажмли, тезпишар йппйғ навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш;

- хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.

Хўжалик фаолиятининг зарур элементи сифатида моддий-техника ресурслари муҳим аҳамиятга эга. Моддий-техника ресурслари таркибига кўп турдаги унсурлар киритилади: ишлаб чиқаришнинг моддий воситалари бўлмиш бинолар, иншоотлар, машиналар, уруғликлар, ўғитлар, қурилиш материаллари ва ёқилғи киради.

Моддий-техника ресурсларисиз қишлоқ хўжалик маҳсулотлари (товар ва хизматлари) ишлаб чиқаришни ташкил этиб бўлмайди. Қишлоқ хўжалигида моддий-техника ресурслари ва бошқа турдаги ресурслар ўртасида жуда катта боғланиш мавжудки, бу боғланиш бевосита ишлаб чиқаришга таъсир қилади. Масалан, ишлаб чиқаришда бир турдаги моддий-техника воситаларидан (ем-хашак, ўғитлар, қурилиш материаллари ва ҳоказо) фойдаланиш моддий биологик ресурслар (маҳсулдор чорва ва парранда, балиқ, сув, ўтлар, ўсимликлар ва ҳоказо) билан биргаликда маҳсулотнинг моддий асосини ташкил этади. Бошқа турдаги моддий-техника ресурслари (иш қуроллари, машиналар, технологик ускуналар, ёқилғи мойлаш материаллари, ветеринар препаратлар, ўсимликларни ҳимоялаш воситалари, хўжалик асбоб-ускуналари ва ҳоказо) эса тайёр маҳсулотни шакллантиришда фаол равишда

иштирок этади. Моддий-техника ресурсларининг яна бир қисми (энергетик машина, узатиш ускуналари, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш бино ва иншоотлари ва ҳоказо) ишлаб чиқариш жараёнининг умумий шарт-шароитларини таъминлайди. Яна бир қисми эса хўжалик юритишдаги шарт-шароитларни таъминлаб беради. Булар умумхўжалик хизматлари учун ускуналар ва бинолар, таъмирлаш устахоналари, омборхоналар ва ҳоказо.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги иқтисодиётининг баъзи бир тармоқларида (чорвачилик, ўсимликчилик, ўрмончилик, балиқчилик ва бошқалар) моддий-техника ресурсларининг бевосита ёрдами билан маҳсулот ишлаб чиқаришнинг табиий-биологик жараёнлари амалга оширилади. Баъзи тармоқларда эса (овчилик, сув ресурсларини қайта тиклаш, саноат ва ҳоказо) чет мамлакатларда инсон қатнашмай туриб, моддий-техника ресурслари ёрдамида ишлаб чиқариш амалга оширилади, яъни автоматлаштириш, механизациялаш орқали моддий-техника ресурсларининг ўзи ишлаб чиқаришни амалга оширади.

Албатта, қишлоқ жойларида ишлаб чиқаришни малакали ишчи кучисиз, ер-сув, биологик ва минерал ресурсларсиз, умуман табиий ресурсларсиз амалга ошириб бўлмайди. Моддий-техника ресурсларига эга бўлиш учун эса молиявий ресурслар зарур бўлади.

Ернинг чекланганлиги ва биологик ресурсларнинг муҳим хусусиятлари ишлаб чиқаришга йўналтирилган моддий-техника ресурсларининг муҳим хусусиятлари ишлаб чиқаришга йўналтирилган моддий-техника ресурсларининг, шунингдек ишлаб чиқариш технологиясининг сифати ва миқдорига, уларнинг ўзаро бирикиб ишлашларига бўлган талабларини янада кучайтиради. Мақсад – маҳсулотни сифатли қилиб, харажатларни камайтириш экан, аввало ресурслардан юқори савияда ва тежамли фойдаланиш керак.

Моддий-техника ресурсларига бино-иншоотларнинг ичида жойлашган барча машина, транспорт воситалари, материаллар билан бирга экин учун уруғликлар, кўп йиллик ўсимлик ва дарахтлар, кўчатлар, ўрмон, сув

омборлари ва ҳоказолар ҳам киритилади. Шунингдек, ишлаб чиқариш – техник потенциал деган тушунча мавжудки, у қишлоқ хўжалигида истиқболда ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун мавжуд бўлган ва яратилажак моддий-техника ресурсларининг баҳоланиши, бошқа ресурслар билан бўлган муносабатлар, ишлаб чиқаришдаги куч қуввати ва бошқа хусусиятлари билан характерланади.

Моддий-техника ресурсларининг муҳим аҳамиятга эга эканини юқоридаги фикр-мулоҳазалардан билиб олдик. Уларнинг хусусиятлари тўғрисида гапирсак, энг аввало қишлоқ хўжалигида моддий-техника ресурсларининг ўзига хос бўлган хусусиятларига тўхталиш лозим:

Биринчидан, ресурслар таркибида келиб чиқиши, ишлатилиши, вазифалари ва турларига кўра хилма-хилликка эга бўлган воситалар мавжудки, уларсиз ишлаб чиқариш содир бўлмайди. Хусусан, қишлоқ хўжалигининг моддий-техника ресурслари таркибида энергетик ва ишчи машиналар, технологик ускуналар, трактор (универсал ва ҳайдайдиган), ўзи юрар шасси, стационар иссиқ двигателлар, ер қазувчи мелиоратив ва бошқалар, технологик машиналар; юк автомобиллари ва бошқалар, транспорт машиналар, трактор тиркамалари, чорвачилик фермалари учун ускуналар, ерга ишлов бериш ва ҳосил йиғиш учун махсус ишчи машиналари борки, уларсиз ишлаб чиқариш тўхтаб қолади. Фақатгина энергетик машиналарнинг ўзи қишлоқ хўжалигида энергетик қувватнинг 80 фоизини яратади. Ушбу машиналарнинг алоҳида вазифасига кўра ёки тизимли равишда ишлаши инсонни оғир ва чарчатувчи меҳнатдан озод қилиб, қўл меҳнати билан бажариб бўлмайдиган ишларни технологик жараёнлар воситасида амалга оширади. Шунинг боис алоҳида тармоқлар учун қишлоқ хўжалик ресурслари таркибида комплекс машиналардан фойдаланиш зарурияти туғилади.

Иккинчидан, моддий-техника ресурслари қайта яратилиши мумкин. Бу ҳодиса эса саноат ишлаб чиқариши ҳисобида содир бўлади. Шу билан бирга, хўжалик фаолияти жараёнида ушбу ресурсларнинг жисмонан ва маънавий

ескиришини ҳисобга олиб, уларни янги усул ва технологиялар асосида янада сифатлироқ ва миқдор жиҳатдан кўпроқ қилиб яратиш талаб этилади.

Учинчидан, қишлоқ хўжалигида моддий-техника ресурслари жорий этиш чекланган ҳисобланади. Бу чекланиш иқтисодий шарт-шароитлардан келиб чиқиб, қайта ишланишига замин яратади. Асосий чекланиш омилларига саноат қувватлари, ресурс ишлаб чиқарувчилар таклифи, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг тўлов қобилияти, товар айирбошлаш шарт-шароитлари кабиларни киритиш мумкин.

Тўртинчидан, қишлоқ хўжалиги учун ҳудудий бирлик характерлидир, шунга кўра моддий-техника ресурсларнинг кўп сонли қишлоқ жойларда бирдек хизмат кўрсатиш концентрацияси таъминланади.

Бешинчидан, моддий-техника воситаларининг қишлоқ хўжалиги мақсадларига мўлжалланган ҳиссаси бошқа алоҳида тармоқларникига кўра каттароқ бўлади. Булардан ташқари, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда моддий-техника воситаларидан фойдаланишнинг яна қуйидаги хусусиятлари мавжуд:

- қишлоқ хўжалигининг ўзи мавсумий характерга эгалигини инобатга олиб, моддий-техника воситаларидан фойдаланиш ҳам мавсумий характерга эгадир. Бу эса, улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқаради;

- моддий буюмлашган кўринишдаги моддий-техника ресурслари табиий шароитлар таъсирига учрайди ва уларни сақлаш маълум миқдорда сарф-харажатларни талаб этади;

- қишлоқ хўжаликда фойдаланиладиган моддий-техника ресурслари таркибига жонли организмлар, ўсимликлар ва чорва моллари ҳам киради;

- ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган айрим моддий ресурслар шу хўжаликнинг ўзида яратилади (чорвачиликда фойдаланиладиган ем-хашак, ўсимликчиликда уруғлик, органик ўғитлар ва бошқалар).

Қишлоқ хўжалигида моддий-техника ресурсларининг туркумланиши асосан: келиб чиқиши, моддий-ашёвий тури, фаолият тури, мулк шакллари, хўжалик субъектлари тақсимооти, амалда фойдаланиш имкониятлари ва бошқаларга қараб амалга оширилади. Қуйидаги чизмада моддий-техника ресурсларининг туркумланиши берилган:

Чизмадан кўриниб турибдики, келиб чиқишига кўра моддий-техника ресурслари табиий ва сунъий моддий ресурсларига бўлинади. Сунъий моддий-техника ресурслари асосан саноатда ва қисман қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчилари ёрдамида ишлаб чиқарилади (2.3.1-расм).



2.3.1-расм. Моддий - техника ресурсларининг туркумланиши.

Табиий моддий-техника ресурсларига биологик, минерал ресурслари, қуёш энергияси, ер, шамол, сув энергияси, ер-сув ресурслари қабилар қиради. Минерал ресурслар, ўз навбатида, ўз ичига ёқилғи-энергетика қазилмалари (нефт, газ, кўмир ва ҳоказо), фойдали руда қазилмалари (темир, рангли металл, олтингугурт ва ҳоказо), шунингдек, бошқа минерал ресурсларни (кум, табиий тош, лой, бўр, торф, оҳак ва ҳоказо) қамраб олади. Моддий-ашёвий таркиб бўйича ресурсларнинг турланиши ресурсларнинг миқдорига кўра умумий техник ўлчовлар билан белгиланади. Бундай


ресурсларга ишчи машиналар, ишлаб чиқариш иншоотлари, технологик ускуналар, тракторлар, автомобиллар киради.

Фаолият тури бўйича моддий-техника ресурслари асосан алоҳида тармоқларга ихтисослашган бўлса, бажараётган вазифасига кўра, ресурсларнинг тақсимланиши кўзда тутилган ресурсларни ўз ичига олади. Масалан, саноат корхонаси учун алоҳида ресурслар талаб этилса, қишлоқ хўжалик учун бошқа ресурслар керак бўлади.

Мулк шаклларига кўра, ресурслар ҳам туркумланади. Масалан, фермер ўзи техника воситасини сотиб олади ёки уни ижарага олади ва ҳоказо. Хўжалик субъектлари бўйича тақсимлашда ресурсларнинг ким томонидан фойдаланиши эътиборга олинади.

Амалий фойдаланиш имконияти бўйича ресурсларнинг туркумланиши асосан фан-техника тараққиётига боғлиқ бўлади. Масалан, янги ихтиро қилинган комбайн ёки трактор синовдан ўтгач, амалда ундан қанча муддат сифатли фойдаланиш мумкин бўлади, буни албатта ишлаб чиқариш жараёни белгилаб беради.

Юқоридагилар билан бирга моддий-техника ресурслари қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ва ижтимоий объект бўйича тақсимланади. Булар қуйида чизмада акс эттирилган (2.3.2-расм):



2.3.2-расм. Моддий – техника ресурсларини тақсимланиш

Кўриниб турибдики, ишлаб чиқариш қатламига мансуб бўлган моддий-техника ресурслари таркибига асосан қишлоқ хўжаликда маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этувчи ресурслар киради. Масалан, қишлоқ хўжаликнинг ўзи (деҳқончилик ва чорвачилик), қишлоқ хўжаликни қайта ишловчи ва маҳаллий саноат, ўрмон хўжалиги, балиқчилик, қишлоқ хўжалиги қурилиши, савдо-сотиқ ва ҳоказо тармоқларга бўлинади, моддий-техника ресурсларига эса уй хўжаликлари, уй-жой қурилиш хўжаликлари, ўзини-ўзи бошқариш хўжаликлари, соғлиқни сақлаш масканлари, таълим ва фан, мактабгача тарбия муассасалари, маданият, ижтимоий таъминот, жамоат транспорти ва ҳоказога хизмат қилувчи ресурслар киради.

Қишлоқ хўжалик инфраструктураси эса ишлаб чиқариш ва ижтимоий ривожланиш учун қишлоқ хўжалигида яратилган жами шарт-шароитларни ўз ичига олади. Бунга, ишлаб чиқариш учун ва инсонлар яшашига зарур шароитлар – иссиқлик энергитикаси, газ, ёруғлик билан таъминланганлик, омборхоналар ва ҳоказо ресурслар киради.

Қишлоқ хўжалигида ислохотларнинг чуқурлаштирилиши, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, моддий ва молиявий базани мустаҳкамлаш, уларга янада кенг йўл очиб бериш, бу борада янги имтиёз ва имкониятларни тўғдиради, қисқача айтганда, қишлоқда пайдо бўладиган мулкый муносабатларни, янги ўрта синф вакиллари – мулкдорлар, тадбиркор ва ишбилармонларнинг манфаатларини ҳимоялаш бугунги кунда энг катта аҳамиятга эга.


Мисол учун фермер хўжаликлари моддий-техника базасининг таркибий тузилмаси қуйидагилардан иборат:

- фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкалари;
- фермер хўжаликларидаги кўп йиллик дарахтлар ва узумзорлар;
- чорва фермаларининг маҳсулдор ва ишчи хайвонлари;
- фермер хўжаликларидаги бино-иншоотлар, техникалар, машиналар ва бошқа иш қуроллари;

- фермер хўжаликларидаги айланма маблағлар (уруғлик, озуқа, ЁММ, минерал ўғитлар ва кимё);
 - фермер хўжаликларининг ҳисоб рақамидаги пул маблағлари, қимматбаҳо қоғозлар;
 - фермер хўжаликларининг таъсисчилиги асосида ташкил қилинган муқобил МТП, СИУ ва агрофирмалар ҳисобидаги мол-мулки;
- Қишлоқ хўжалигида моддий-техника ресурсларини ишлаб чиқариш ишлаб чиқаришни таъминлаш мақсадида олиб борилади.

Моддий-техника ресурсларининг замонавий кўриниши икки манба орқали кўзга ташланади: 1) мамлакатимизда фан-техника тараққиёти юксалиши натижасидаги ишланмалар ҳамда 2) импорт, яъни чет ел илғор технологиялари кириб келиши натижасида.

Моддий-техника ресурсларининг қишлоқ хўжалигида шакллантиришдаги асосий характеристикаси, бу ишлатилаётган моддий-техника ресурслари ҳажмини ўзгартириш, шунга кўра замонавий, сифатли юқори самарага эга бўлган, экологик жиҳатдан фойдали ҳисобланган техник ресурсларни кимёвий воситаларни технологияларни яратишдир. Бунга яна қуйидагиларни қўшимча қилиш керак: ҳозирги фан-техника юксалаётган бир даврда рационал, иқтисодий ва экологик жиҳатдан илғор бўлган моддий-техника ресурслари нафақат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида, балки умуман қишлоқ ҳаёти ва атмосфераси учун ҳаётий заруратдир.



2.3.3-расм. Қишлоқ хўжалик иқтисодиётида моддий-техника ресурсларининг шаклланиши.

Қишлоқ хўжалигида моддий-техника ресурсларининг шаклланишига таъсир этувчи омиллар қуйидагилар: моддий-техника воситалари билан таъминланганлик, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларининг умумий иқтисодий аҳволи ва даромадлилиги, инвестиция фаолиятини фаоллаштириш, моддий-техника таъминоти тизимлилиги, ишлаб чиқариш ва муҳандислик инфраструктурасининг ривожланиш даражаси, фан-техника тараққиёти, давлатнинг қишлоқ хўжалигидаги моддий-техника таъминоти борасидаги сиёсати ва ҳоказо.

Моддий-техника ресурслари шаклланиши, шунингдек, молиявий воситалар ёрдамида амалга оширилади. Бу молиявий воситалар замонавий, самарадорлиги юқори бўлган ҳамда экологик жиҳатдан фойдали ҳисобланган техникаларни, илғор технологияларни яратишда инвестициялар ва жорий капитал қўйилмалар шаклида сафарбар этилади. Жорий капитал қўйилмалар ишлаб чиқариш жараёнида такрор ишлаб чиқаришнинг қайтарилишини таъминлаш учун хом ашё ва материалларни етказиш учун фойдаланилади.

3. Жомбой тумани қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда фермерлик ҳаракатининг ҳозирги ҳолати

3.1. Фермер хўжаликлари фаолиятини юритишнинг ташкилий- иқтисодий асосларини такомиллаштириш

Ўзбекистон республикасининг Президенти ва ҳукумати фермерликга оид бўлган жаҳон тажрибаси, мамлакатнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда республикада фермерликни босқичма-босқич ривожлантириш жараёнини амалга оширмоқда.

Фермер хўжаликларини ривожлантириш бўйича 1991 йил 31 августда "Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги Қонун, 1991 йил 19 ноябрда "Давлат тассарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Бу қонунлар иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг дастлабки ҳуқуқий нормаларини белгилаб берди.

Ушбу қонунлар асосида Президентимизнинг 1991 йил 29 ноябрда "Республикада деҳқон (фермер) хўжаликларини янада ривожлантириш ва янада мустаҳкамлаш ҳамда давлат йўли билан ишбилармонлик фаолиятини кўллаб-қуватлаш ҳақида"ги Фармони ва Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 30 декабрдаги "Республикада деҳқон (фермер) хўжаликларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чоралари ҳақида"ги 315-сонли қарори республикада деҳқон (фермер) хўжаликларини ташкил этилишига асос солди ва уларнинг ривожланишига кенг йўл очиб берди.

Ушбу фармон ва қарорга кўра, республикада деҳқон (фермер) хўжаликларини ташкил этиш учун 200 минг гектар ер майдони фонди барпо этилиб, деҳқон (фермер) хўжаликларига ажратилди ва 7 мингдан ортиқ деҳқон (фермер) хўжаликлари ташкил этилди.

Фермер хўжаликлари ривожининг биринчи босқичи, 1992-1998 йилларни қамраб олиб, бу даврда фермер хўжаликлари, асосан меҳнат ресурслари етарли бўлмаган ҳудудларда, жамоа хўжаликлари раҳбарларининг қарорига асосан, хўжаликнинг балансида бўлган ер участкаларида ташкил этилди.

Бу пайтда мамлакатимизда 21 мингтадан кўпроқ фермер хўжаликлари фаолият кўрсатиб, уларнинг умумий ер майдони 498 минг гектар ёки ўртача бир фермер хўжалигига тўғри келадиган ер участкаси 19,6 гектарни ташкил этган. Ҳатто, айрим пахта-ғалла етиштирувчи фермер хўжаликлари 1-3 гектар майдонда тарқоқ ҳолда деҳқончилик қилди.

Шу даврга келиб, янги ташкил этилган фермер хўжаликларининг шакли фаолиятини юритишнинг иқтисодий ва ҳуқуқий асосларини яратиш замон талабига айланди.

Шунинг учун ҳам иккинчи босқич - фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг ҳуқуқий-меъёрий асосларини яратиш босқичи бўлди. 1998 йил 30 апрелда Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, "Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида"ги, "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги, "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги Қонунлари қабул қилинди ва шулар асосида қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни амалга ошириш учун тўла ҳуқуқий асос яратилди.

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари билан 1999-2001 йиллар давомида 68 та зарар кўриб ишлаётган, истиқболсиз, паст рентабелли ширкат хўжаликлари негизда 4 мингдан кўпроқ фермер хўжаликлари ташкил этилди. Таъкидлаш жоизки, ўтган йиллар мобайнида фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш, иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлари бу турдаги хўжалик юритиш шаклининг самарали ҳамда ҳукуматимиз томонидан бу борада олиб борилаётган сиёсатнинг нақадар тўғри эканлигини исботлади. Учинчи босқич - фермерлик ҳаракатини жадал ривожлантириш босқичи бўлди. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 январда қабул қилган "Қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш тўғрисида"ги қарорига асосан Ёзёвон, Мирзаобод ва Меҳнатобод туманларидаги зарар билан ишлаётган 83 та ширкат тўлиқ фермер хўжаликларига айлантирилди, бу ўз самарасини берди. Шу тариқа мамлакатимизда 2004 йилдан фермерликни кенг тарғиб этиш даври бошланди. 2004-2007 йиллар давомида республикаимизнинг барча

худудларида ширкат хўжаликлари тўлиқ тугатилиб, улар негизида 215 мингдан зиёд фермер хўжаликлари ташкил этилди.

-Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги “2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш Концепцияси тўғрисида”ги ПФ – 3342 – сонли фармони;

-Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги “2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш Концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 476-сонли қарори;

-Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 декабрдаги “2004-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 607-сонли қарори;

-қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги корхонаси негизида фермер хўжалигини ташкил этишда танлов ғолибларини аниқлаш тўғрисидаги Низом (2005 йил 4 январ) ва бошқалар. Асосан шу ҳужжатларга қатъий риоя этган ҳолда қишлоқ худудларида фермер хўжаликлари ташкил этила бошлади. Мустақиллик йилларининг дастлабки даврида деҳқон, фермер хўжаликлари ҳақида аниқ тушунча бўлмаган эди. Бу ҳол 1998 йилда “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонуни қабул қилиниши билан ечилди. Шу қонуннинг 5-моддасига кўра фермер хўжалиги аксарият ҳолларда ортиқча меҳнат ресурслари бўлмаган ерларда ва худудларда ташкил этилади. Деҳқончилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжаликларига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами пахтачилик ва ғаллачилик учун 10 гектар, боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик ва бошқа маҳсулотларни етиштириш учун эса 1 гектарни ташкил этади.

Чорвачилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжалиги камида 30 та шартли бош чорва моли бўлган тақдирда ташкил этилади. Фермер хўжалигига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам миқдори бир шартли бош чорва молга ҳисобланганда Фарғона водийси вилоятларига, Тошкент, Самарқанд ва Хоразм вилоятларидаги суғориладиган ерларда камида 0,3 гектарни, қолган вилоятларда. Қорақалпоғистон

Республикасида эса 0,45 гектарни, суғорилмайдиган ерларда эса камида 2 гектарни ташкил этиши, Низомда эса аниқ ер участкалари (контурлар) берилиши кўрсатилган. Булар мамлакатда фермерликни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятларини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 6 октябрдаги "Фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкалари майдонини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармойиши шу каби масалаларнинг ечимини топиш мақсадида қабул қилинди. Мазкур ҳужжат ижросини таъминлаш юзасидан амалга оширилган мақбуллаштириш жараёнида республикамиздаги фермер хўжаликлари сони 215 минг 776 тадан 107 минг 381 тага ёки 51 фоизга камайди. Бунда фермер хўжаликларининг ўртача ер майдонлари 27,4 гектардан 47,5 гектаргача кенгайди. 2009 йилдаги мақбуллаштириш жараёни таҳлил қилинганда, фермер хўжаликларининг айланма маблағлари кўпайгани, ер, минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш, техника ва бошқа моддий ресурслардан самарали фойдаланиш кўрсаткичлари бирмунча ошгани маълум бўлди. Натижада қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳажми сезиларли даражада кўпайди. Жумладан, далалардан йиғиб-териб олинган ғалла 385 минг тоннага, мева-сабзавот ва картошка маҳсулотлари 800 минг тоннага ошди. Ўтган йил деҳқонларимиз учун мураккаб келганлигига қарамасдан, фермерларимиз мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиб, ҳосилдорликни ғаллачиликда 5,2 центнарга ва пахтачиликда эса 1,9 центнерга оширишга муваффақ бўлдилар. Бу кўрсаткичлар юртимиз деҳқончилигининг катта ютуғидир.

Шу ўтган даврларда ширкат хўжаликлари негизида 215 мингга яқин фермер хўжаликлари ташкил этилди. Уларнинг янада самарали фаолият юритиши учун ер участкалари оптималлаштирилиб, 66 мингдан ортиқ фермерлар танлаб олинди. Бунда фермер хўжаликларининг ўртача ер майдони 27 гектардан 80 гектаргача кўпайди. Ҳозир суғориладиган ерларнинг 85 фоизи фермерлар тасарруфида.

Ўзбекистонда фермер хўжаликларини ташкил этиш қуйидаги икки хил тартибда амалга оширилмоқда:

-биринчиси, меҳнат ресурслари бўлмаган ёки кам бўлган ерларда ва ҳудудларда:

-иккинчиси, уч йил давомида рентабеллик даражаси паст бўлган ширкат хўжаликлари негизида ташкил этилади. Иккала усулда ҳам фермер хўжалигини уни бўлажак раҳбари ташкил этади. У ўзининг мол-мулкини кўрсатиши зарур. Фермер хўжалигининг иқтисодий негизини унинг мол-мулки ташкил этади, унга қуйидагилар киритилиши мумкин:

Бинолар иншоотлар, қишлоқ хўжалик экинзорлари ва кўчатзорларни, дов-дарахтлар, чорва моллари, паррандалари, мавжуд бўлган барча қишлоқ хўжалик техникалари, инвентарлари, асбоб ва ускуналари, транспорт воситалари, етиштираётган барча маҳсулотлари, уларни сотиш ва хизмат кўрсатишдан олинаётган барча маблағлари, фойдаси, интеллектуал мулки ва бошқалар. Сўнг бўлажак аъзолар билан келишган ҳолда тасдиқлаб олади.

Фермер хўжалигининг устави Республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган, “Намунавий Устав” асосида тузилиб, қуйидагиларни қамраб олган бўлиши керак:

- фермер хўжалигининг номи;
- фермер хўжалиги бошлиқининг фамилияси, Ўзининг ва отасининг исми ва яшаш жойи;
- фермер хўжалигининг жойлашган жойи тўғрисидаги маълумотлар ва почта манзили;
- фермер хўжалигининг ихтисослашуви ва фаолиятининг асосий турлари, йўналишлари;
- унинг устав фондининг миқдори ва бошқалар.

Фермер хўжалигининг уставига асосланган ҳолда унинг бизнес-режаси ишлаб чиқилади. Сўнгга фермернинг раҳбари белгиланган тартибда талаб этилган ер участкасини олишга киришади. Биринчи усулда фермер раҳбари ер олиш учун қандай хўжалик ҳудудида жойлашишини эътиборга олган

холда, унинг ширкат раҳбарига, тугатилаётган ширкат хўжаликларида эса эса тендер ўтказувчи комиссиясининг раҳбарининг номига ариза беради. Аризалар белгиланган тартибда, муддатда кўриб чиқилади. Унда фермернинг, хўжалигининг барча имкониятлари; мутахассислиги, маълумоти, тармоқдаги иш стажи, пул маблағлари, мавжуд бўлган яроқли техникалари ҳамда раҳбарнинг билими, қобилияти, дунёқараши, маънавиятли, мафкуралик ва бошқа қобилиятлари эътиборга олинади. Шундай хусусиятларга ва имкониятга эга бўлган фуқароларга талаб этилган ерни 30 йилдан 50 йилгача бўлган муддатга ижарага бериш тўғрисида қарор қабул қилинади. Бу қарорлар вилоят ҳокими раҳбарлигидаги комиссия томонидан белгиланган муддатда, тартибда кўриб чиқилиб қарор қабул қилиниши шарт. Бу бир қанча муаммоларни вужудга келтирмоқда. Бўлажак фермерлар масофанинг узоқлиги муносабати билан ортиқча вақт, маблағ сарфламоқдалар. Масалан, 2005 йилда ташкил этилаётган фермерларнинг 99,7 фоизига туман ҳокимларининг, 99,6 фоизига вилоят ҳокими томонидан тузилган комиссиянинг қарорлари берилган. Шундан сўнг фермер хўжалигини рўйхатдан ўтказиш белгиланган тартибда амалга оширилади.

Фермер хўжалиги давлат рўйхатидан ўтганидан сўнг ташкил этилган деб ҳисобланади. У тўлиқ юридик шахс мақомини олиш учун ўзи алоқа қиладиган банкларда турли хилдаги ҳисоб рақамларини очиши, туманнинг солиқ, статистика ташкилотларида рўйхатдан ўтиб, ўз муҳрига, бланкаларига эга бўлиши керак. Шундан сўнг фермер хўжалиги тўлиқ фаолият юритадиган юридик шахс мақомига эга бўлади.

Ўзбекистонда фермер хўжаликлари мавжуд бўлган ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар асосида ривожлантирилмоқда. 2005 йилнинг 1 июлига келиб, фермер хўжаликларининг умумий сони 121,6 мингтани ташкил этиб, уларга 3666,4 минг гектар ер узоқ муддатга фойдаланиш учун ижарага берилган. Шу ерларда 794,3 минг киши фаолият кўрсатиб қишлоқ хўжалигида етиштирилган ялпи маҳсулотнинг 20,4 фоизини (2004 й) яратганлар.

Фермер хўжаликларининг ривожланишини шартли равишда уч даврга бўлиш мақсадга мувофиқдир.

I – Давр – 1989-1998 йилгача бўлган муддатни ўз ичига олади.

II – Давр – 1998 йилдан 2001 йиллардан ташкил топган.

III – Давр – 2002 йилдан бошланган ҳисобланади.

Биринчи ва иккинчи даврларда фермер хўжаликлари асосан жамоа ҳамда ширкат хўжаликларининг ҳудудида меҳнат ресурслари бўлмаган ёки кам бўлган ҳудудларда ташкил этилган. Ўша даврларда қишлоқлардаги фуқароларнинг билими, тажрибаси ҳамда иқтисодий ресурслари кам бўлганлиги муносабати билан фермер хўжаликларининг ривожланиш даражаси пастроқ бўлган. Лекин юқоридаги масалаларни ҳал этишга давлат томонидан эътибор берилиши натижасида 2000-2001 йилларда фермер хўжаликларининг бир оз ривожланишини таъминлади. Яъни иккинчи даврда фермер хўжаликларининг сони 140 фоизга ортиб, 2001 йилда 55,4 мингтани ташкил этган. Уларга беркитилган ер шу йиллар ичида 136,2 фоизга кўпайган. Фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулотидagi улуши 3,5% дан 7,1 % кўтарилган. Рақамларнинг далолат беришича, иккинчи даврда фермер хўжаликларининг сонини, уларга ижарага берилган ерларини ўсиши ялпи маҳсулот таркибидаги улушига нисбатан юқори суръатларда бўлган. Бундай ҳол фермер хўжаликлари асосан экстенсив усулда ривожлантирилганлигидан далолат беради. Бу усулдан интенсив усулга ўтиш чора-тадбирлари Республика ҳукумати томонидан ишлаб чиқилиб, уларни ҳаётга тадбиқ этишга алоҳида эътибор берилди. Жумладан, кредит, солиқ тўловлар бўйича ҳамда маҳсулотларни эркин сотиш имкониятлари. Шунинг билан биргаликда фермер хўжаликларини иқтисодий негизини мутаҳкамлаш борасида тадбирларни амалга оширилиши таъминланди.

Асосланган чора-тадбирлар натижасида учинчи даврнинг дастлабки йилларида фермер хўжаликларининг ривожланиши ҳамда фаолиятининг самарадорлиги маълум даражада таъминланди. Чунончи, 2005 йилнинг июнига фермер хўжаликларининг умумий сони 2001 йилга нисбатан 119.6 %

га ортиб, ер майдонлари 2,5 мартага кўпайган. Уларнинг қишлоқ хўжалигида яратилган ялпи маҳсулотидagi салмоғи салкам 2 баробарга кўпайиб, 2004 йилда 20,4 фоизини ташкил этган. Шу йилда уларнинг пахта ишлаб чиқаришдаги салмоғи – 51,9 %, ғалла ишлаб чиқаришдаги салмоғи эса 55 % дан ошиб кетди.

Бизнинг ҳисоб китобларимизга кўра, жами фермер хўжаликларида мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 6 фоизи яратилмоқда. Бу маълумотлар фермер хўжаликларининг Ўзбекистон иқтисодиётидаги ўрни ва аҳамиятининг улкан эканлигидан далолат бермоқда. Шунинг учун ҳам Республика Президенти И.А.Каримов Олий Мажлиси қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида қилган маърузасида “...фермерлик қишлоқда хўжалик юритишнинг энг истиқболли ва самарали шакли сифатида етакчи ўрнини эгалламоқда”, деб ниҳоятда истиқболли хулоса қилган.

Юқорида таъкидланган асосий индикаторлар келажакда фермерлик ҳаракатининг ривожланиши ва уларнинг серкиррали фаолияти самарадорлигининг юксалиши натижасида янада улкан ва юқори бўлади. Ҳозирги ўтиш даврида улар фаолиятининг самарадорлигини юксалтириш мақсадида уларнинг ихтиёридаги барча ресурслардан йил давомида тўлиқ ва самарали фойдаланишга эришиш зарур.

Бу масала ер, сув ресурсларига бевосита тааллуқлидир. Чунки улар табиатда чекланган ҳисобланиб, такрор ишлаб чиқарилмайди. 2005 йилнинг 1 июлига фермерларга узоқ муддатга ижарага 3666,4 минг гектар ер берилган, шу ернинг 60 фоизига яқини маълум даражада шўрланган ҳисобланади. Бундай ҳолат сўзсиз улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ҳосилдорлигига ҳамда уларнинг сифатига салбий таъсир этиб, уларга сарфланаётган харажатларнинг 20-30 фоизига ошишига олиб келади.

Бундай ҳолатни бартараф этиш мақсадида фермер хўжаликлари барча ерларни сифатли, текис шудгорлаб, мавжуд бўлган коллектор – зовурларни

белгиланган муддатларда сифатли тозалаб, уларнинг техник ҳолатини яхшилашга эришишлари керак. Лекин 2003-2004 йилларда шу борада амал оширилган ишлар барча талабларга тўлиқ жавоб бермайди. Масалан, 2006 йилда мавжуд бўлган ички коллекторларнинг атиги 18 %, хўжаликлараро коллекторларнинг эса 21% тозаланган. Техник талабларга кўра, улар ҳар 2-3 йилда тўлиқ тозаланиши лозим. Шу йили ёпиқ дренажларнинг фақатгина 1,4% ювиш йўли билан тозаланган, 23 % га яқин ерлар нотекис ҳайдалган. Бундай ҳолат биринчидан, фермер хўжаликларида шу ишларни тўлиқ ва сифатли амалга оширилишини таъминлай оладиган миқдорда маблағнинг етишмаслиги, иккинчидан, эса уларда экскаватор, бульдозер ва скреперларнинг йўқлиги ҳамда шу ишларни сифатли амалга оширадиган малакали мутахассисларнинг камлиги туфайли юз берган. 2005 йилнинг бошига 103,9 мингга яқин фермер, 1400 ширкат хўжаликлари, 937 та муқобил МТП ва бошқа қишлоқ хўжалик ташкилотларида 9,7 мингга ҳайдов, 16,7 мингтага яқин ишлов берадиган тракторлар, кам миқдорда экскаваторлар, бульдозерлар бўлган. Келажакда шундай ҳолатни бартараф этишда давлатнинг ҳамда бошқа корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий кўмаги жуда зарур.

Даставвал давлатнинг турли хилдаги иқтисодий механизмларни ишга солган ҳолда фермер хўжаликларига кўмаклашиши мақсадида мувофиқдир. Чунки, уларга давлат мулки ҳисобланган ер узоқ муддатга ижарага берилади. Шундай экан ижарага берилаётган ер ва шу ерлардаги барча ирригация ва мелиорация иншоотлари сифатли, талабга жавоб берадиган ҳолатда фермер хўжаликларига берилиши лозим деб ўйлаймиз. Шунинг билан биргаликда турли хилдаги корхоналар, ташкилотлар, мулкдорлар орасида тарғибот-ташвиқот ишларини кенг кўламда амалга ошириб, уларни фермерлик ҳаракатига жалб этиш лозим. Бунда уларга кўрсатилаётган хизматлари учун маълум даражада имтиёзларни жорий этиш мумкин. Жумладан, фермер хўжаликларида етиштирилаётган маҳсулотлар билан, ҳамда солиқ ва божхона тўловлар борасида имтиёзлар бериш зарур.

Ҳозирги даврда аксарият туманларда ҳокимликлар томонидан фермер хўжаликларида экинларни самарали, яъни алмашлаб экишни жорий этилишини таъминлаш мақсадида экинларни жойлаштиришда ҳамда давлат буюртмаларини белгилашда фермерларга қонун доирасида эркинлик берилаётгани йўқ. Шунинг оқибатида фермер хўжалигига ажратиладиган барча ерларга пахта ҳамда донли экинлар экилмоқда. Бундай ҳол сўзсиз биринчидан, асосланган алмашлаб экиш схемасининг жорий этилишини таъминлаш имкониятини бермайди, иккинчидан эса фермер хўжалиги аъзолари ўзларининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабини қондира олмайди. Шундай ҳолатнинг олдини олиш учун фермер хўжаликларида экинларни жойлаштиришда қонун доирасида эркинлик бериш мақсадга мувофиқдир. Шунинг билан биргаликда фермер хўжаликларида пахта хом ашёси ва ғалла бўйича бериладиган давлат буюртмаларини қисқартириш лозим.

Юқорида таъкидланганларнинг барчаси ҳам ҳал этилиши мумкин бўлган масалалардир. Сабаби 2004 йилда фаолият кўрсатаётган барча фермер хўжаликлари Республика Президенти И.А.Каримов раҳбарлигида белгилаб берилган аграр–иқтисодий ислохотларни изчиллик билан амалга ошириш натижасида ердан фойдаланиш коэффициентини 0,07 пунктга сувдан фойдаланиш коэффициентини эса 0,04 пунктга, оширишга, бир гектар экин майдонига сарфланаётган ёқилғи 44 кг.га, минерал ўғитларнинг сарфи эса 42,7 кг.га тежаб, пахта ҳосилдорлигини 26,4 % га, ғаллачиликда эса ширкатларга нисбатан 12,4 % га оширишга эришдилар. Булар фермер хўжаликларининг ривожланиб, фаолият самарадорлигининг юксалаётганлигидан далолат беради.

Буларга иқтисоди ривожланган давлатларнинг тажрибўларидан фойдаланиш ҳам маълум даражада таъсир этган. Масалан, Германияда, Францияда, Нидерландияда, АҚШда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг асосий қисми фермер хўжаликларида ишлаб чиқарилади. Масалан, АҚШда 2.5 млн. фермер хўжалиги йилига 300-350 млн. тонна ғалла ишлаб

чиқармоқда. Улардаги фермер хўжаликлари асосан йирик, иқтисоди мутаҳкам. Уларга тўлиқ эркинлик берилган. Лекин рақобат асосида ривожланмоқда.

3.2. Фермер хўжаликларида маҳсулот ишлаб чиқариш рентабеллигининг ҳозирги ҳолати таҳлили

Корхоналарнинг фойдалилик ёки зарарлилик даражасини белгилаш учун рентабеллик кўрсаткичидан фойдаланилади. Рентабеллик қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ўзида акс эттирувчи умумлашган кўрсаткич ҳисобланади. У фойдаланилган ва истеъмол қилинган ишлаб чиқариш ресурслари - меҳнат, ер-сув, моддий ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил этиш, бошқариш харажатлари орқали етиштирилган маҳсулотдан олинган самаранинг миқдор ва сифатини, ишлаб чиқаришни кенгайтирилган тарзда ривожлантириш имкониятини, ходимларнинг ўз меҳнатлари натижасидан моддий манфаатдорлигини акс эттиради. Рентабелликда мутлоқ кўрсаткич - бу фойдадир. Фойда - бу реализация қилиш натижасида олинган соф даромаднинг қисми бўлиб, у маҳсулот сотишдан келадиган маблағдан - сотилган маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатларни ёки тўла таннарх қийматини чиқариб ташланган қисмига тенг бўлади:

$$\Phi = \text{ПТ} - \text{ТТ}$$

Фойда – бу фақат ишлаб чиқариш жараёнида ташкил топган натижа ҳисобланиб қолмасдан, балки маҳсулотларни сотиш жараёнида эришилган охирги иқтисодий кўрсаткичдир. Энг аввало унда жонли меҳнат харажатлари ифодаланади, чунки унинг асосида ялпи даромад ётади, ходимларнинг жонли меҳнати билан янги маҳсулот яратилади. Меҳнат унумдорлиги қанча юқори бўлса, янгидан яратилган қийматдаги иш ҳақи салмоғи шунча оз бўлади, унинг бир қисми фойдани ташкил қилишга кетади. Фойдада, шунингдек буюмлашган меҳнат харажатларининг самарадорлиги акс этади. Маҳсулот бирлиги ҳисобига тўғри келган моддий харажатлар ва иш ҳақи

харажатларининг камайиши, баҳо ўзгармаганда фойдани кўпайтиради ва ниҳоят бу кўрсаткичда маҳсулот сифати намоён бўлади. Фойда бир қатор муҳим иқтисодий вазифаларни бажаради:

1. Ўлчаш вазифаси - фойдадан ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигини умумлаштирувчи кўрсаткичи сифатида фойдаланилади.

2. Тақсимлаш вазифаси - қўшимча маҳсулотни тақсимлаш воситаси сифатида.

3. Рағбатлантириш вазифаси - иқтисодий рағбатлантириш фондини шакллантириш манбаи сифатида.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш рентабеллиги сотилган маҳсулот бўйича ҳисобланади ва ифодалаш формасига боғлиқ ҳолда абсалют ва нисбий кўрсаткичларда характерланади. Фойдани аниқлаш услуги Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 1995 йил 27 январ 9-сонли буйруғига асосан тасдиқланаган «Фойдани ҳисоблаш низоми» бўйича олиб борилади ёки 2- «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» шаклидаги маълумотлар асосида ҳисобланади.

1. Ялпи фойда(зарар) - қишлоқ хўжалик корхонасида товар маҳсулотини сотишдан тушган тушум, яъни соф пул тушумидан сотилган маҳсулот, товар, иш ва хизматларни ишлаб чиқариш таннарни олиб ташланади. Бунда соф пул тушуми жами пул тушумидан қўшимча қиймат солиғи, акциз солиғи, ташқарига чиқарилган товар солиғи, товар сотиб олувчи товарни қайтариб бериш мумкин бўлган скидкаларни (табiiй камайиш) чиқариш йўли билан аниқланади:

$$ЯФ = ССТ-ИТ$$

2. Корхона асосий фаолиятидан олинган фойда(зарар). Буни аниқлаш учун ялпи фойда (зарар)дан сотиш ва маъмурий харажатлар(даврий харажатлар) айрилиб, асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан даромадлари ва харажатлари ҳам мос равишда қўшилиб ва чиқариб ташланади:

$$АФФ = ЯФ - ДХ + БД - БЗ$$

3. Корхонанинг умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда (зарар). Асосий фаолиятдан олинган фойда(зарар)дан олинган дивидентлар, заёмлар бўйича фоизлар, валютанинг курс фарқи, бошқа молиявий фаолият бўйича даромадлар қўшилиб, харажатлар ва банк процентлари айрилади.

$$УФ = АФФ + МД - МХ$$

4. Солиқ тўлагунча фойда(зарар) умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда плюс фавқулотда (кўзда тутилмаган) вазиятлардан қурилган фойда ва минус зарар сифатида аниқланади:

$$СТФ = УФ + ФП - ФЗ$$

5. Соф фойда(зарар). У солиқ тўлангандан кейин хўжалик субъект ихтиёрида қолади, ўзида даромад(фойда)дан тўланадиган солиқни ва минус қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа солиқлар ва тўловларни чиқариб ташланган ҳолда солиқлар тўлангунга қадар олинган фойдани ифодалайди:

$$СФ = СТФ - ДС - БС$$

Фойданинг мутлоқ ҳажми корхонанинг ишлаб чиқариш фаолиятни ўзида тўла акс эттирмайди. Шунинг учун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш рентабеллигининг мутлоқ кўрсаткичи билан бир қаторда унинг нисбий кўрсаткичидан ҳам фойдаланилади. Бу кўрсаткич ўзида рентабеллик нормаси ва фойда нормасини ифода этади. Бу икки кўрсаткич ёрдамида харажатларни самарадорлиги аниқланади. Фойда нормаси - бу фойда суммасини ресурслар қийматига бўлиш орқали аниқланади. Фойда нормаси бу усул билан аниқланганда қишлоқ хўжалик ерларининг қиймати, суғориладиган ерларни қиймати, йил давомида тўпланган ижтимоий харажатлар ва бошқа маблағлар қиймати тўлиқ ҳисобга олинмайди. Бундан ташқари асосий ва айниқса айланма воситалар қиймати, ялпи ва товар маҳсулотларни кўпайиши ва камайишига боғлиқ бўлган ҳолларда турли йилларда кескин фарқ қилади. Бу эса ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланишнинг реал самарадорлигини аниқлаш имконини беради. Шу билан бирга бу кўрсаткич бутун хўжалик бўйича ҳисобланади, ҳолос.

Чунки уни алоҳида қишлоқ хўжалик тармоқлари ва маҳсулот турлари бўйича аниқлаш жуда мураккабдир. Бунинг асосий сабаби, турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқаришда бир хил меҳнат воситалари қатнашиши билан боғлиқдир. Қишлоқ хўжалик корхоналари маҳсулотлари ўсимчилик ва чорвачилик тармоқлари доирасида, айрим экинлар ва чорва ҳайвон турлари доирасида, айрим маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари рентабеллиги аниқланади. Бу кўрсаткични ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш жараёнларида қилинган харажатларнинг қоплаш муддатларини аниқлашда универсал деб ҳисобланади.

Шу билан бирга фойда самарадорликни ягона ва бутун камраб олувчи кўрсаткич ҳисобланмайди. Янгидан яратилган қийматнинг бир қисми сифатида, у моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги ходимлар қўшимча меҳнати билан яратилган қўшимча маҳсулотни пулда ифодаланган қисмини ифодалайди. Унинг миқдори маълум даражада маҳсулот баҳоси даражасининг асосланганлигига боғлиқ. Бундан ташқари, фойда структуравий ўзгаришларга, юқори рентабелли маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш йўли билан ва паст рентабелли маҳсулот ишлаб чиқаришни қисқартириш йўли билан ҳам ошиши мумкин. Рентабелликнинг абсалют кўрсаткичи фойданинг абсалют миқдорида ифодаланади.

$$Д = ПТ - МХ$$

Фойданинг абсалют миқдори муҳим аҳамиятга эга, у иқтисодий рағбатлантириш фондини вужудга келтиришни миқдорига боғлиқ. Шу билан бирга фойданинг абсалют миқдори ишлаб чиқариш фаолиятининг иқтисодий натижаларини тўла баҳолашга имкон бермайди. Амалиётда ишлаб чиқаришда ҳар турдаги маҳсулот фойданинг абсалют миқдори кўп ёки оз олиниши мумкин. Икки ҳолатда ҳам маҳсулот ишлаб чиқариш рентабелли бўлади, лекин унинг даражаси турлича бўлиши мумкин, чунки бу таннархга боғлиқ. Шунинг учун классик иқтисодчилар шундай деб ёзадилар: «Бойлик даражаси - маҳсулотнинг абсалют миқдори билан эмас, қўшимча маҳсулотни нисбий миқдори билан ўлчанади». Қишлоқ хўжалик ишлаб

чиқариш рентабеллигини тўла характерлаш учун нисбий кўрсаткичлардан ҳам фойдаланилади: рентабеллик даражаси ва фойда нормаси. Рентабеллик даражаси соф фойдани коммерция таннархига бўлиш орқали аниқланади ва фоизларда қуйидаги формулалар билан ҳисобланилади:

$$P = \frac{\Phi}{KT} * 100 \qquad P = \frac{ПТ-КТ}{КТ} * 100 \qquad P = \frac{ПТ}{КТ} * 100$$

Лекин қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришда нафақат жорий, балки асосий ишлаб чиқариш воситаларини янгилаш ва кўпайтиришга сарфланган капитал кўйилмалар харажатлари ҳам амалга оширилади, қайсики маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларига амортизация шаклида кўшилади. Шунинг учун фақат жорий харажатлар самарадорлигини эмас, балки ишлаб чиқариш воситаларида моддийлашган харажатларни ҳам билиш муҳим. Шунинг учун бир сўмлик асосий ва айланма фондларга тўғри келадиган соф фойда миқдорини ифодаладиган, рентабелликнинг нисбий кўрсаткичидан фойдаланилади. Асосий, моддий оборот воситаларининг рентабеллик даражаси ва фойда нормаси қуйидагича ҳисобланади:

$$P_{ав} = \frac{\Phi}{АВ} * 100 \qquad P_{ай.в} = \frac{\Phi}{МАВ} * 100 \qquad P_{нормаси} = \frac{\Phi}{АВ+МАВ} * 100$$

Рентабеллик нормаси – соф фойданинг тўла таннархга нисбатидир, яъни 1 ёки 100 сўмлик сарфланган харажат эвазига қанча фойда олинганлигини кўрсатади. Аммо қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши фақат жорий харажатлар ҳисобига эмас, балки капитал маблағ харажатлари ҳисобига ҳам амалга оширилади. Маҳсулот ишлаб чиқаришда моддий харажатлар ҳам қатнашиб, уларни маҳсулот қийматига ушланган улушини ҳам ҳисобга олиш зарур. Рентабелликнинг 5 та молиявий коэффицентлари келтирилган.

1. Маҳсулот сотишнинг рентабеллиги коэффиценти сотилган маҳсулот бирлигига қанча фойда тўғри келишини кўрсатади. Бу коэффицент нарх белгилаш сиёсатидаги ўзгаришларни ва хўжалик юритувчи субъектнинг сотилган маҳсулот таннархини назорат қилиб туриш

қобилиятини кўрсатади. Коэффициент динамикаси нархларни қайта кўриб чиқиш ёки моддий захиралардан фойдаланиш устида назоратни кучайтириш зарурлигидан далолат беради. Унинг пасайиши турли сабабларга кўра корхона маҳсулотларига талабнинг пасайганлигини кўрсатади.

$$\Phi(3) \\ P_{m.c} = \frac{\Phi(3)}{T} < 0$$

бунда $\Phi(3)$ -сотишдан олинган фойда(зарар)

T-пул тушуми

Агар маҳсулот сотиш рентабеллиги коэффициенти ҳисобот даврида 0 дан кам қийматга эга бўлса, унда қишлоқ хўжалик корхонаси бу кўрсаткич бўйича зарар билан ишлайди деб ҳисобланади.

2. Асосий воситалар ва оборотдан ташқари бошқа активларнинг рентабеллигининг коэффициенти асосий воситалар ва оборотдан ташқари бошқа активлардан фойдаланиш самарадорлигини акс эттиради, яъни қишлоқ хўжалик корхонасининг молиявий хўжалик фаолиятида ишлатадиган активлардан фойда ёки зарар кўриш даражасини кўрсатади:

$$CF(3) \\ P_{av} = \frac{CF(3)}{A1} < 0$$

бунда, $CF(3)$ -солиққа тортишга қадар бўлган фойда(зарар)

A1-узоқ муддатли активлар

Агар активларнинг рентабеллиги коэффициенти (зарарлилик кўрсаткичи) ҳисобот даврида 0 дан кам қийматга эга бўлса, унда қишлоқ хўжалик корхонаси бу кўрсаткич бўйича зарар билан ишлайди деб ҳисобланади.

3. Хусусий капиталнинг рентабеллиги коэффициенти ўз капиталидан фойдаланиш самарадорлигини кўрсатади. Коэффициент динамикаси корхона акциялари котировка даражасига таъсир қилади. Бу коэффициент даражаси инвестиция қилган капиталдан фойдаланиш самарадорлигини белгилаш ва бу

кўрсаткични ушбу маблағларни бошқа қийматли қоғозларга сарфлашдан олиши мумкин бўлган даромад билан пасайиши ҳам маҳсулотларга талабнинг пасайгани ва активларнинг ортиқча тўпланиб қолганидан далолат беради:

$$R_{\text{ХК}} = \frac{СФ(3)}{X_{\text{КК}}}$$

бунда, $X_{\text{КК}}$ қишлоқ хўжалиги хусусий капитал қиймати.

Агар хусусий капитал рентабеллиги коэффиценти 0 дан кичик бўлса, унда қишлоқ хўжалик корхонаси ушбу кўрсаткич бўйича зарар билан яқунланган ҳисобланади.

4. Перманент капиталнинг рентабеллиги коэффиценти корхона фаолиятига сарфланган капиталдан (ўзининг ва қарзга олинган) фойдаланиш самарадорлигини акс эттиради.

$$R_{\text{ПК}} = \frac{СФ(3)}{\Pi_1 + X_{\text{КК}}}$$

бунда, Π_1 - ўз маблағ манбалари

Агар перманент капитал рентабеллиги коэффиценти 0 дан кичик бўлса, корхона ушбу кўрсаткич бўйича иқтисодий ночор ҳисобланади.

5. Капитал умумий айланувчанлигининг рентабеллиги коэффиценти корхона бутун капиталининг айланиш тезлигини акс эттиради. Унинг ўсиши корхона маблағлари оборотининг жадаллашганлигини ёки нархларнинг инфляцияцион ўсишини англатади.

$$R_{\text{КУА}} = \frac{T}{БЯ} < 0$$

бунда: БЯ - баланс якуни

Агар капитал умумий айланувчанлигининг рентабеллиги коэффиценти 0 дан кичик бўлса, корхона ушбу кўрсаткич бўйича иқтисодий ночор ҳисобланади.

Шунинг ҳисобидан ҳам ишлаб чиқариш рентабеллиги паст кўрсаткичга эга бўлган. Қуйида келтирилган жадвалда кўриниб турибди.

3.2.1-жадвал

**Жомбой тумани қишлоқ хўжалик корхоналарининг асосий иқтисодий
кўрсаткичлари**

т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2012 йил 2010 йилга нисбатан ўзгариши, %
1	Жами экин майдони	га	5317,9	5779,2	6223	117,0
	<i>ш.ж.: фермер хўжалигида</i>	<i>га</i>	<i>4889,5</i>	<i>5351,5</i>	<i>5828</i>	<i>119,2</i>
2	Асосий тур маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми:					
	ғалла	ц	64225,8	63014,7	66360	103,3
	пахта	ц	17521,7	20059,5	0	0,0
	сабзавот	ц	456062,4	278841,2	1019072,3	223,5
	полиз	ц	70791,8	31240	82200	116,1
	мева	ц	122215,5	165690	155801,2	127,5
	картошка	ц	7386,3	37206,6	123780,8	1675,8
	узум	ц	1855,6	15760,4	18709,1	1008,2
3	Меҳнат ресурслари сони	киши	46005	46345	46455	101,0
4	Асосий фондлар қиймати	млн сўм	14165,0	18345,7	20501,8	144,7
5	Жами харажатлар	млн сўм	30867,4	39997,3	55765,1	180,7
	<i>ш.ж.: фермер хўжалигида</i>	<i>млн сўм</i>	<i>28380,8</i>	<i>37037,2</i>	<i>52225,5</i>	<i>184,0</i>
6	Жами пул тушум	млн сўм	37575,1	53381,1	69840,3	185,9
7	Фойда	млн сўм	6707,7	13383,8	14075,2	2 марта кўп
	<i>ш.ж.: фермер хўжалигида</i>	<i>млн сўм</i>	<i>6356,4</i>	<i>12308,5</i>	<i>13404,4</i>	<i>2,1 марта кўп</i>
8	Рентабеллик(+), зарарлилик(-) даражаси	%	21,7	33,5	25,2	3,5 пунктга ошган
	<i>ш.ж.: фермер хўжалигида</i>	%	22,4	33,2	25,7	3,3 пунктга ошган

Манба: Жомбой тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими маълумотлари. 2010-2012 йиллар.

3.2.1-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, Жомбой тумани қишлоқ хўжалик корхоналарининг асосий иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қилиб чиқамиз. Туманда 2012 йил жами экин майдони 6223 гектарни, 2011 йил 5779,2 гектарни ва 2010 йил 5317,9 гектарни ташкил қилган. Шундан 2012 йилдаги 6223 гектарнинг 5828 гектари фермер хўжаликларига тўғри келади. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг экин майдони 17%га фермер хўжаликларининг экин майдонлари эса 19,2 %га ошган. Фойда 2012 йил 14075,2 минг сўм, 2011 йил 13383,8 минг сўм ва 2010 йилда эса бу 6707,7 минг сўмни ташкил қилган. 2012 йил 2010 йилга нисбатан фойда ўзгариши 2 марта кўп. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш рентабеллиги 25,2%ни ташкил этган. 2010 йилга нисбатан 3,5 пунктга ошган. Фермер хўжалигини 2012 йилда ишлаб чиқаришдан олинган фойда 13404,4 минг сўмни, 2011 йил 12308,5 минг сўмни ва 2010 йил 6356,4 минг сўмни ташкил қилган. 2012 йил 2010 йилга нисбатан 2,1 марта ошган. Рентабеллик даражаси 2012 йил 25,7 %ни ташкил қилган. 2010 йилга нисбатан 3,3 пунктга ошган. Фермер хўжаликларининг рентабеллик даражаси қишлоқ хўжалик корхоналарининг бошқа хўжалик юритиш шакллариغا нисбатан 0,5 пунктга кўп эканлигини кўришимиз мумкин.

Жомбой туманида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш рентабеллиги 0 дан катта бўлган. Бу албатта хўжалик фаолияти ижобий натижаларга эришган.

3.3. Фермер хўжаликларида маҳсулот ишлаб чиқаришдан олинган фойданинг омилли таҳлили

Фойда ишлаб чиқариш жараёнида ташкил топади, аммо у товарлар сотилгандан кейин аниқ намоён бўлади ва юзага келади.

Сотилган маҳсулотларнинг ҳар бир тури бўйича ялпи фойдани аниқлаш учун юқорида қайд қилганимиздек сотишдан олинган соф тушумдан сотилган маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархини чегириб ташлаш керак, яъни ялпи фойдани қуйидаги формуладан фойдаланиб, аниқлаш мумкин:

qr - qz

Бунда, q - сотилган маҳсулотнинг миқдори, ц

p - 1 ц маҳсулотнинг ўртача сотиш баҳоси, сўм

z - 1 ц маҳсулотнинг ўртача таннари, сўм

qr - маҳсулот сотишдан олинган соф пул тушуми, сўм

qz - сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннари, сўм.

Ҳисобот йилидаги ялпи фойда ҳажмини бизнес-режа бўйича кўзда тутилган фойдага базис йилидаги фойда суммасига солиштириб, унинг мутлоқ ва нисбий миқдорлардаги ўзгариши аниқланади. Бошқача айтганда ҳисобот йилидаги фойдадан базис йилидаги ёки режалаштирилган фойда суммасини айириб, унинг ўзгариши (кўпайганлиги ёки камайганлиги) аниқланади.

Ҳисобот йилида маҳсулот сотишдан олинган фойданинг базис йилига нисбатан ўзгаришини (кўпайишини ёки камайишини) қуйидаги формуладан фойдланиб аниқлаш мумкин:

$$\frac{(q_1 p_1 - q_1 z_1)}{\text{ҳисобот йилидаги фойда}} - \frac{(q_0 p_0 - q_0 z_0)}{\text{базис йилидаги фойда}} = \Delta q p z$$

қ ± Δq p z
фойда ўзгариши

Ушбу келтирилган формуладан кўриниб турибдики, маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойданинг ўзгариши бевосита қуйидаги уч омил таъсири остида юзага келади:

1. Сотилган маҳсулот миқдорининг ўзгариши (q)
2. 1 ц маҳсулотнинг ўртача сотиш баҳосининг ўзгариши (p)
3. 1 ц маҳсулотнинг ўртача ишлаб чиқариш таннарининг ўзгариши (z)

Ялпи фойданинг ўзгаришига омилларнинг таъсирини «Кўрсаткичлар фарқи» ва «Занжирли алмаштириш» усуллари ёрдамида аниқланади. Ялпи фойдани таҳлил этиш учун зарур бўлган маълумотлар Жомбой туманидаги фермер хўжаликларида такрорий экин сифатида етиштирилган кунгабоқар 2012 йил 2010 йилга нисбатан 657016,1 минг сўмга ошган.

3.3.1-жадвал

**Жомбой тумани қишлоқ хўжалик корхоналарининг ғалла маҳсулотлари бўйича
фойданинг омилли таҳлили**

(га ҳисобида)

т/р	Кўрсаткичлар	2010 йил	2012 йил	Ўзгариши, +/-	Омиллар таъсири		
					маҳсулот миқдори	сотиш баҳоси	ишлаб чиқариш таннарихи
1	Барча қишлоқ хўжалик корхоналарида						
	Маҳсулот миқдори, ц	64225,9	66360	2134,11	х	х	х
	I ц. маҳсулот сотиш баҳоси, сўм	22500	36500	14000	х	х	х
	I ц. маҳсулот таннарихи, сўм	19300,0	30900,0	11600,0	х	х	х
	маҳсулот сотишдан олинган фойда, минг сўм	205522,8	371616,0	166093,2	6829,2	929040,0	-769776,0
2	Фермер хўжаликларида						
	Маҳсулот миқдори, ц	61047,1	67082,0	6034,9	х	х	х
	I ц. маҳсулот сотиш баҳоси, сўм	23671,6	36107,2	12435,6	х	х	х
	I ц. маҳсулот таннарихи, сўм	18558,7	28305,4	9746,7	х	х	х
	маҳсулот сотишдан олинган фойда, минг сўм	312125,0	523354,8	211229,8	30855,4	834202,7	-653828,3

Манба: Жомбой тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими маълумотлари асосида муаллиф тузган.

3.3.1-жадвал маълумотларидан фойдаланиб, Жомбой туманида такрорий экин сифатида ғалла етиштиришдан олинган фойдани 2012 йил 2010 йилга нисбатан ўзгаришининг асосий сабаблари қуйидаги учта омил ҳисобига:

1-омил. Сотилган маҳсулот миқдорининг ўзгаришини таъсири.

Туманда сотилган 2010 йилда кунгабоқар миқдори 2412 центнер ўрнига 2012 йилда эса 4249,7 центнерни ташкил қилган. Яъни такрорий ғаллада 2012 йил 2010 йилга нисбатан 1837,7 центнер кўп маҳсулот сотилган.

Сотилган кунгабоқар миқдорининг кўпайиши ҳисобига 27427,9 минг сўмлик фойда кўпайган.

Ғалла миқдорининг 1837,7 центнерга кўпайиши туфайли ғалла сотиш бўйича 27427,9 минг сўм фойда кўрган.

2-омил. Маҳсулот сотиш баҳосининг таъсири.

2012 йил 2010 йилга нисбатан 1 центнер ғалла сотиш баҳоси 8435,8 сўмга ошган. Сотиш баҳосининг ўзгариши ҳисобига фойда 2010 йилга нисбатан 2012 йилда 35849,5 минг сўмга ошган.

3-омил. Маҳсулотни ишлаб чиқариш таннархини таъсири.

2012 йил 2010 йилга нисбатан 1 центнер сотилган ғалла таннархи 886,6 сўмга ошган. Ушбу маҳсулотнинг таннархи ошганлиги сабабли туманда 2012 йил 2010 йилга нисбатан 3767,8 минг сўм зарар кўрган.

Шундай қилиб, 2012 йилда ғалла сотишдан олинган фойдани 2010 йилга нисбатан кўпайишига бир омилнинг салбий, икки омилнинг ижобий таъсирлари остида юзага келган.

4. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда фермерлик ҳаракатини режалаштириш ва унинг фаолиятини такомиллаштириш

4.1. Фермер хўжаликларида маҳсулот таннархини камайтириш йўллари

Таннархни пасайтиришнинг асосий йўлларидан бири-меҳнат унумдорлигини оширишдир. Бунинг ҳисобига қишлоқ хўжалигидан олинadиган ҳар қандай маҳсулотнинг кўпайиб, ўсишига эришилади. Меҳнат унумдорлиги ва таннарх орасида чамбарчас боғлиқлик мавжуд. Меҳнат унумдорлигининг оширилиши таннархнинг пасайиши учун салмоқли аҳамиятга эга.

Шу билан бирга, меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати иш ҳақининг ўсиш суръатидан олдинга ўтиб кетмоғи муҳим. Қишлоқ хўжалиги меҳнат ресурсларидан яхшироқ фойдаланиш, комплекс механизацияни, машиналар тизимини ишлаб чиқаришнинг янги технологияларини жорий этиш зарур. Бошқа томондан маҳсулот ишлаб чиқаришни ошириш ва сифатини яхшилаш учун ишчиларнинг моддий ва маънавий манфаатдорлигини яратиш талаб этилади.

Фермер хўжаликларида маҳсулот таннархи пасайтиришнинг муҳим омили, ердан фойдаланиш самарадорлигининг ўсиши, экинларнинг ҳосилдорлиги ва ҳайвонларнинг маҳсулдорлигидир.

Замонавий техникадан фойдаланиш ва деҳқончиликнинг тараққий этган тизимини жорий этиш, органик ва минерал ўғитлардан тўғри фойдаланиш, зараркунандалар ва ўсимликларнинг касалликларига қарши курашиш воситалари ўсимликларнинг ва ҳайвонларнинг сермахсул нав ва зотларини кенг қўллаш 1 га экин ерга ва 1 бош қорамолга моддий пул маблағлари харажатларини оширади, аммо бир вақтнинг ўзида уларнинг маҳсулот бирлигидаги ҳисобини қисқартиради.

Шунинг учун экинлар ҳосилдорлиги ва ҳайвонлар маҳсулдорлиги қанча юқори бўлса, ўсимликчилик ва чорвачиликдаги маҳсулотлар таннархи шунча паст бўлади.

4.1.1-жадвал

Қишлоқ хўжалиги корхонада асосий турдаги маҳсулотлар таннархининг структураси (ҳамма харажатлар – 100 %)

Харажат моддалари	Ғалла (дон)	Пахта	Сут	Йирик шохли корамолчилик вазнининг ортиши
Ижтимоий эҳтиёжларга чегирмалар билан меҳнатга ҳақ тўлаш	20,4	24,4	15,0	11,9
Уруғлик ва экиш материаллари	5,2	4,9	-	-
Минерал ва органик ўғитлар	7,9	8,1	-	-
Ўсимлик ва ҳайвонларни химоялаш воситалари	0,4	0,5	0,9	1,1
Озуқа	-	-	40,6	58,8
Асосий воситаларни сақлаш Шундан:				
Нефт маҳсулотлари	40,3	31,9	5,8	7,2
Амортизация	4,2	4,7	6,5	5,6
Таъмирлаш	1,9	2,8	1,7	1,0
Ишлар ва хизматлар	5,3	7,7	19,1	12,4
Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш	8,9	11,4	8,3	1,9
Бошқалар	5,5	3,6	2,1	0,1

Манба: Р.Эргашев Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. –Т.: 2011 йил.

Чорвачиликда чорва молларининг маҳсулдорлиги пасайганда маҳсулот бирлигига озуқа сарфи ортади. Агар йил давомида сигирлардан 1800 кг сут соғиб олинганда 1 ц сут ишлаб чиқариш учун 3000 кг сут соғиб олишга

караганда 35 % кўп озуқа сарфланади, яъни озуқаларнинг салмоқли қисми хайвонларнинг ҳаёт фаолиятини қўллаб туришга сарфланади. Маҳсулдорлик ортганда, маҳсулот бирлигига озуқа сарфи камаяди.

Масалан, бир бош сигирдан йил давомида 3000 кг сут соғиб олинганда озуқаларнинг умумий сарфида қўллаб турувчи озуқа 48 % 1800 кг соғиб олинганда эса 60 % бўлади. Қорамол гўшт учун боқилганда агар, суткалик тирик вазнининг ортиши 500 г. бўлса, 1 кг тирик вазнининг ортиши учун 4,6 озуқа бирлиги, суткалик тирик вазни 400 г. ошганда эса – 5,3 озуқа бирлиги сарфланади.

Хайвонлар маҳсулдорлигининг ошишига протеинга, аминокислоталарга, микроэлементлар ва витаминларга баланслаштирилган тўлақонли озуқалар тўғри ва яхши парваришlash ва боқиш, бўрдоқига ва яйловда боқилишнинг жадал усуллари жорий этиш, наслчилик ишларини мукамаллаштириш кабилар бевосита таъсир қилади.

Чорвачилик маҳсулотлари таннархини камайтиришда тўлақонли озуқалар алоҳида ўрин тутди.

Озуқаларда у ёки бу элементнинг етишмаслиги маҳсулот бирлигига қўшимча сарф қилинишига олиб келади.

Тўлақонли боқишда 1 кг сут ишлаб чиқариш учун 1-1,2 озуқа бирлиги, йирик шохли қорамолларнинг тирик вазни 1 кг га. ортиши учун-камида 5-6 озуқа бирлиги сарфланади. Хайвонларнинг ёшини, физиологик ҳолатини йил фаслини, ўстириш ва боқиш даврини ҳисобга олиб, рационлар тўғри тузилса, озуқалар сезиларли тежалади.

Маҳсулот таннархини пасайтиришнинг яъна битта йўли-моддий харажатларни иқтисод қилиш: уруғлик (юқори сифатли уруғларни экиш); озуқа (уларнинг нархини арзонлаштириш, оқилона фойдаланиш, сақлаш ва транспортга юклаб туширишдаги йўқотишларни бартараф этиш ҳисобига); транспорт сарфларини ёқилғи-мойлаш харажатларини эҳтиёт қисмлар ва бошқаларга сарфларни қисқартириш.

Қишлоқ хўжалик экинларига ишлов беришда ресурсларни тежовчи технологиялардан фойдаланиб, моддий ресурслар сарфини қисқартириш мумкин. Бундай технологияларни жорий этиш моддий харажатларни 30-40 % га, ишлаб чиқариладиган маҳсулот таннархини 15-20 % га пасайтириш имконини беради.

Маҳсулотлар таннархининг пасайишига ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланишни яхшилаш ҳам катта таъсир кўрсатади, чунки харажатларнинг сезиларли улуши, амортизация чегирмаларига тўғри келади. Хўжалик ишлаб чиқариш воситалари билан қанчалик яхши таъминланган бўлса, улардан шунчалик яхши фойдаланилади, маҳсулот эса кўпроқ чиқарилади.

Асосий ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланишни, уларнинг структурасини мукаммаллаштириш ортиқча воситаларни ишлаб чиқаришдан олиб ташлаш йўли билан яхшилаш мумкин. Иқтисодий ишлаб чиқариш бино (иншооти)ни қуриш, уларнинг умумий ҳажмидаги асосий воситаларнинг фаол қисмининг улушини кўпайтириш; машина ва ускуналардан яхшироқ фойдаланиш, битта трактор, комбайн, автомобил ҳисобига ишлаб чиқаришни (кундузги сменадаги, мавсумдаги) ошириш; давр структурасини яхшилаш; ишлаб чиқариш фондларининг харажатларини қоплашни тезлаштириш.

Таннарх структурасида умумишлаб чиқариш ва умумхўжалик харажатлари ҳам сезиларли улушни ташкил қилади. Маъмурий – бошқарув аппаратидаги ортиқча штатларни бартараф этиш, корхонанинг ташкилий – хўжалик структурасини мукаммаллаштириш йўллари билан уларни пасайтириш зарур.

Қишлоқ хўжалиги учун характерли бўлган кўп тармоқли ишлаб чиқаришда ҳосилни йиғиб олиш, сақлаш ва қайта ишлашдаги йўқотишларни бартараф этиш; хўжаликда тез бузиладиган ва транспортда ташишга қулайлиги ҳам маҳсулотларни қайта ишлашни ташкил этиш; энг кам меҳнат ва маблағ сарфлаган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқаришни максимал даражада кўпайтириш мақсадида илмий асосланган ихтисослатириш; маҳсулотларни

ўз вақтида реализация қилиш ва ҳар қандай ноишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш.

Таннархни камайтириш (пасайтириш)нинг кўриб чиқилган йўллари тармоқларда ва қишлоқ хўжалиги корхонасида эҳтимол тутилган чораларнинг ҳамма комплексини батафсил ёритмайди. Улар фақат ишнинг умумий йўналиши, ҳақида тасаввур беради ва корхоналарда ишлаб чиқаришнинг табиий ва иқтисодий ўзига хосликларни ҳисобга олиб, ишлаб чиқиладиган аниқ дастурларга асос бўлмоғи керак. Шу билан бирга, қўшимча моддий харажатларни қоплаш ва маҳсулот таннархи пасайиши оқибатида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлиги ошиши учун хўжаликни ишлаб чиқаришнинг мукамалроқ воситалари билан таъминлаш зарур.

Самарқанд вилояти Жомбой тумани фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда, яъни ғалла етиштиришда ишлаб чиқариш харажатлари таркиби бўйича таҳлил қилиб чиқамиз(4.1.2-жадвал).

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, туман фермер хўжаликларида ғалла маҳсулотлари ишлаб чиқариш харажатларини 2010, 2011 ва 2012 йилларда таҳлил қилиб чиқанимизда 2012 йил 2010 йилга нисбатан 765827,7 минг сўмга ошган. 2012 йилни таҳлил қилганимизда харажатлар элементи орасида механизация хизматлари 50%ни ёки миқдор жиҳатидан 949392,6 минг сўмни ташкил қилган.

Туманда ишлаб чиқарилган ғаллани умумий ҳолда олганда, яъни барча турдаги қишлоқ хўжалик корхоналарида қилинган харажатларга нисбатан фермер хўжаликларида паст кўрсаткичга эга бўлган.

4.1.2-жадвал

**Жомбой тумани фермер хўжаликларида ғалла етиштириш харажатининг
элемент таркиби бўйича ўзгариши**

т/р	Кўрсаткичлар	2010 йил		2011 йил		2012 йил		2012 йил 2010 йилга нисбатан ўзгариши, %	
		Қиймати, минг сўм	Улуши, %	Қиймати, минг сўм	Улуши, %	Қиймати, минг сўм	Улуши, %	Қиймати, минг сўм	Улуши, %
1	Меҳнат ҳақи (ажратмалар билан)	28323,9	2,5	213528	12	455708,5	24	427384,5	21,5
2	Ўғитлар	50983,1	4,5	266910	15	37975,7	2	-13007,4	-2,5
3	Уруғлик	169943,6	15	302498	17	37975,7	2	-131967,9	-13
4	СФУ	50983,1	4,5	266910	15	151902,8	8	100919,7	3,5
5	Механизация хизмати	181273,2	16	444850,1	25	949392,6	50	768119,4	34
6	Ёқилғи-мойлаш материаллари	5664,8	0,5	177940	10	151902,8	8	146238	7,5
7	Кимёвий химоялаш	509830,9	45	53382	3	94939,3	5	-414891,6	-40
8	Бошқа харажатлар	135954,9	12	53382	3	18987,9	1	-116967,1	-11
	Жами	1132957,5	100	1779400,3	100	1898785,2	100	765827,7	--

Манба: Жомбой тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими маълумотлари асосида муаллиф тузган.

4.2. Фермер хўжаликларининг фаолият самарадорлигини ўстиришда қишлоқ инфратузилмаси ролини ошириш

Фермер хўжаликлари фаолияти самарадорлигини ошириш учун уларга хизмат кўрсата оладиган замонавий ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаси тизимини ташкил этиш ҳамда жадал ривожлантиришни даврнинг ўзи талаб қилмоқда.

Ўзбекистонда аграр ислохотларнинг муҳим стратегик йўналишларидан бири қишлоқда инфратузилма асосларини шакллантириш ва унинг муассасалари фаолиятини такомиллаштиришдир. Бозор инфраструктураси ишлаб чиқарувчи, хизмат кўрсатувчи ва истеъмолчилар ўртасида кенг миқёсда содир бўладиган ўзаро муносабатларни мувофиқлаштирувчи, уларга кўп қиррали хизматлар кўрсатувчи ҳамда шу билан бир қаторда ишчи кучларни оқилона такрор ишлаб чиқаришда муҳим рол ўйнайдиган турли муассасалар мажмуидир.

Бу муассасалар фаолиятини ривожлантириш ўз навбатида маҳсулот ишлаб чиқаришдан токи уни истеъмолчига етказиш тизимини яратиш, тадбиркорлик ва ишбилармонликка кенг имкониятлар очиб бериш, ҳуқуқий ва жисмоний шахсларнинг даромадларини муттасил кўпайтириш, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни талаб ва таклиф доирасида ташкил этиш, яъни иш ўринларини барпо этиш, ҳақиқий мулкдорлар қатламини шакллантириш каби қатор бозор иқтисодиётига мос муаммоларни ҳал этишда кенг имкониятлар очиб беради.

Бироқ шуни айтиш лозимки, республикамизда, айниқса унинг агросаноат мажмуида инфратузилма тармоқлари етарли даражада ривожланмаганлиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришдан истеъмолчилар талабини тўла қондиришгача бўлган ораликда номутаносибликлар вужудга келишига, ишлаб чиқариш сарфларининг ўсиши ва маҳсулот нобудгарчилигининг кўпайишига, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигининг пасайишига ва йил давомида истеъмол даражасининг турлилигига олиб келади.

Шунинг учун ҳам қишлоқ инфратузилмаси тизими ривожини босқичма-босқич самарали амалга оширмасдан туриб, қишлоқда деҳқонлар, тадбиркорлар ва ишбилармонлар учун қонунлар доирасида ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аҳоли даромадини ошириш ва мамлакатимизнинг улкан экспорт салоҳиятидан фойдаланиш каби масалаларнинг ечимини топиш қийиндир.

Шу боис ҳозирги давр талабига кўра, бозор инфраструктураси тармоқларини, хусусан, агросаноат мажмуида ташкил этиш ва ривожлантириш билан боғлиқ бўлган масалаларнинг назарий ва амалий асосларини ўрганиш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси кўрсатаётган хизмат турларини характерига кўра моддий таъминот, молиявий таъминот, информацион таъминот ва реклама, махсус хизмат, ташиш ва қайта ишлаш турларига ажратиш мумкин(4.2.1 – расм).

Қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини ушбу тартибда таснифлаш унинг бажарадиган вазифасини тўлақонли акс эттира олади ва шу билан бирга келажакда фермер хўжаликларига кўрсатилаётган хизмат турларини кенгайтириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш имконини беради.



4.2.1– расм. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси хизматларининг таснифи.

Фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи инфратузилма шаҳобчаларини ташкил этишга катта эътибор қаратилмоқда. 2012 йилда фермер хўжаликларига самарали хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш бўйича амалга оширилган тадбирлар натижасида бугунги кунда 1681 та ММТП, 1487 та СИУ, 1366 та ЁММ ва 917 та минерал ўғит сотиш шаҳобчалари, 1462 та минибанк, 420 та қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, 2596 та зотли моллар сотиш ва зооветеринария хизматлари, 300 та ахборот таъминоти ва консалтинг шаҳобчаси, 85 та транспорт хизмати кўрсатиш, 78 та тара идишлар тайёрлаш ва қадоқлаш бўйича шаҳобчалар фаолият кўрсатмоқда (4.2.1- жадвал).

4.2.1 - жадвал

Фаолият кўрсатаётган инфратузилма объектларининг ўзгариши

Инфратузилма объектлари	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2012 йил 2010 йилга нисбатан ўзгариши, %
Мини банк	1478	1179	1462	98,9
Муқобил МТП	1757	1720	1681	95,7
Минерал ўғитлар сотиш шаҳобчаси	935	917	917	98,1
Сувдан истеъмолчилар уюшмаси	1712	1711	1487	86,9
ЁММ сотиш шаҳобчаси	1389	1377	1366	98,3
Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш шаҳобчаси	424	424	420	99,1
Зооветеринария пунктлари	2411	2540	2596	107,7
Ахборот таъминоти ва консалтинг хизмати кўрсатиш шаҳобчалари	300	301	318	106,0
Транспорт хизмати кўрсатиш шаҳобчаси	82	82	85	103,7
Тара идиш ва қадоқлаш материаллари билан таъминлаш шаҳобчалари	78	78	78	100,0
Агрофирмалар	203	193	262	129,1

Манба: www.google.uz олинган маълумотлар асосида муаллиф тузган.

Эндиликда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта тайёрлаш шаҳобчаларини, транспорт хизмати кўрсатиш, тара идишлари тайёрлаш ва кадоқлаш шаҳобчалари, ёғ-мой маҳсулотларини сотиш шаҳобчалари ҳамда агрофирмаларни ташкил этишга кўпроқ эътибор бериш керак бўлади.

Фермер хўжаликларини минерал ўғит ва ёқилғи мойлаш материаллари билан таъминлайдиган инфратузилма шаҳобчалари ташкил этилгандан бошлаб, ер ва мулк солиғидан, сув истеъмолчилар уюшмаси қўшимча қиймат солиғидан, даромад ва мулк солиғидан 3 йил муддатга амал қилиниши ўз навбатида хизмат кўрсатиш даражасининг ошишига ҳамда уларнинг иқтисодий барқарорликка эришишига олиб келади. Бир сўз билан айтганда хизмат кўрсатиш соҳалари объектлари бозор муносабатлари тамойиллари асосида ташкил этила бошланди.

Бу йўналишдаги ҳаракатни астойдил қўллаб-қувватлаш борасида жойларда бир қатор ишлар қилинмоқда. Ҳукуматимизнинг тегишли қарорларида кўзда тутилган фермерларга дала бошида хизмат кўрсатишга мўлжалланган кенг кўламли инфратузилма мажмуи вужудга келтирилмоқда. Улар биринчи навбатда янги фермер хўжаликлари ташкил этилаётган ҳудудларда барпо этилмоқда. Фермерларга кўплаб минибанклар, муқобил МТПлар, сув истеъмолчилари уюшмалари, ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари ва минерал ўғит сотиш шаҳобчалари хизмат кўрсатмоқдалар. Бунинг натижасида фермерлар банк амалиётларини қишлоқнинг ўзида бажармоқдалар, туман марказларига бориб юрмай, минерал ўғит ва ёқилғи-мойлаш маҳсулотларини ҳам шу ернинг ўзида очилган шаҳобчалардан олмақдалар.

Фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда энг муҳим омил уларни моддий-техника ресурслари билан таъминлашни яхшилашдир. Бунинг учун давлат фермер хўжаликларини моддий-техника ресурслари билан таъминлаш механизмини такомиллаштириб бориш лозим бўлади. Бу механизм ташкилий, ҳуқуқий ва иқтисодий дастак ва воситаларни ўз ичига олади.

Давлат фермер хўжаликларининг моддий-техника таъминотини қўллаб-қувватлаш механизмида рақобат муҳитини, хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиши муҳим аҳамиятга эга. Ҳуқуқий жиҳатдан қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришга доир қонун, меъёрий ҳужжатлар, дастурлар қабул қилиш ҳамда уларни амалга ошириш чоратадбирларини кўради. Фермер хўжаликларини моддий-техника ресурслари билан таъминлашда давлат томонидан хўжаликларни имтиёзли кредитлар билан таъминлаш, моддий-техника таъминоти корхоналарини субсидиялаштириш, ушбу соҳа мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни молиялаштириш амалга оширилмоқда. Бу тизим бозор иқтисодиёти талабларига мувофиқ равишда такомиллаштирилиб борилади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқариш, тайёрлаш, қайта ишлаш ва сотиш жараёнида турли тоифадаги корхона ва ташкилотлар иштирок этади. Ушбу корхона ва ташкилотларни ягона бозорга бирлаштирувчи, уларнинг ўзаро муносабатларини амалга оширишга кўмаклашувчи ташкилотлар инфратузилма муассасалари ҳисобланади. Уларнинг бир қисми қишлоқ хўжалиги корхоналари учун техника, ўғит, ёнилғи, пул маблағи ва шу каби ресурслар етказиб берса, бошқалари эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш мақсадида сотиб олади ёки сотишга кўмаклашади ва ижтимоий хизмат кўрсатади.

Инфратузилма — такрор ишлаб чиқариш (йўллар, алоқа транспорт, таълим, соғлиқни сақлаш соҳалари ва бошқалар) шароитларини таъминлайдиган ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш мажмуидир. Бошқача қилиб айтганда, инфратузилма ишлаб чиқаришнинг нормал ишлаши ва товарнинг нормал айланиши ҳамда одамларнинг нормал ҳаётий фаолиятини юритиш учун шароитни яратиб беришга қаратилган соҳалар ҳамда ушбу соҳаларга кирувчи корхоналарнинг ва ташкилотларининг мажмуаси.

Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси кўрсатаётган хизмат турларини характерига кўра моддий таъминот, молиявий таъминот, информацион

таъминот ва реклама, махсус хизмат, ташиш ва қайта ишлаш турларига ажратиш мумкин.

Қишлоқ хўжалиги инфратизилмасини ушбу тартибда таснифлаш унинг бажарадиган вазифасини тўлақонли акс эттира олади ва шу билан бирга келажақда фермер хўжаликларига кўрсатилаётган хизмат турларини кенгайтириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш имконини беради.

4.3. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда фермерлик ҳаракатини такомиллаштириш чора тadbирлари

Аграр соҳадаги ислохотлар озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш имконини беради. Ўтган йил иқтисодийтимизнинг барча соҳалари, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги учун ҳам юксалиш ва ривожланиш даври бўлди, дейишимизга тўла асос бор, албатта.

Республикамызда 3 миллион 600 минг тоннадан зиёд пахта, 2 миллион тоннадан ортиқ ғалла етиштирилгани, қолаверса, пиллачилик ва чорвачиликда ҳам қувонарли натижаларга эришилгани ана шундан далолат беради.

Албатта, ҳар қандай муваффақият замирида инсон омили мужассам. Буни Президентимиз 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида алоҳида таъкидлаб, хусусан, аграр соҳада қўлга киритилган ютуқларда ўзини аямасдан меҳнат қилган қишлоқ хўжалиги мутахассислари, деҳқону механизаторлар қаторида фермерларнинг ҳам ҳиссаси катта эканлигини алоҳида эътироф этди. Бугун фермерларимиз эса қишлоқ мулкдори бўлганлигидан бениҳоя ғурурланиб яшамокда.

Дарҳақиқат, фермерлик ҳаракати қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг таянч кучига айланди. Бу борада, табиийки, давлатимиз томонидан ҳуқуқий, ташкилий ва молиявий шарт-шароитлар тўла яратиб берилганлиги муҳим аҳамият касб этмокда. Фермерларда мулкка эгалик

хиссининг йил сайин кучайиб бораётгани эса, пировардида юртнинг обод бўлиши, халқимизнинг турмуш даражаси ошишига хизмат қиляпти.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, қишлоқ хўжалигида кичик бизнесни янада ривожлантириш, фермерлик ҳаракати самарадорлигини ошириш, боғдорчиликка илғор технологияларни жорий этиш қишлоқ аҳолиси бандлиги ва даромадлари ўсишида муҳим ўрин тутиши Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 22 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва 2013 йил 14 февралда имзоланган қарорига мувофиқ қабул қилинган «Обод турмуш йили» Давлат дастурида ҳам ўзифодасини топган.

Давлат дастурида тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалиги соҳасига кредит ажратишни кенгайтириш ҳисобга олинган ҳолда, ҳудудларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлашни кўпайтириш, узумчилик, чорвачилик ҳамда ипакчиликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги корхоналарини модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашга доир чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилган.

Масалан, 6,7 минг гектар майдонда янги боғлар, 3,5 минг гектар майдонда интенсив боғлар, 6,8 минг гектар майдонда тоқзорлар яратиш ҳамда мавжудларини реконструкция қилиш орқали 15 минг нафар қишлоқ аҳолисини боғдорчилик фаолиятига жалб этиш режалаштирилмоқда. Бунинг учун 95,2 миллиард сўм йўналтирилади. Чорвачилик ва ипакчиликни ривожлантириш учун эса 345,9 миллиард сўм ажратиш кўзда тутилмоқда. Ҳар бир туманда 10 мингта парранда парваришланадиган камида ўнта янги паррандачилик хўжалиги ва 500 асалари оиласи, ҳар бир ҳудудда камида 30-40 балиқчилик хўжалиги, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси корхоналарида ипак қуртини боқиш учун камида 10-15 ипакчилик комплексларини ташкил этиш режалаштирилмоқда. Ушбу чора-тадбирларнинг амалга оширилиши йилига

қўшимча 32 минг тонна парранда гўшти ва 330 миллион дона тухум, 970 тонна асал, 2,4 минг тонна балиқ етиштириш имконини беради.

Маълумки, ҳозирги пайтда жаҳон бўйича озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёж тобора ортиб бормоқда ва аҳолини бу каби маҳсулотлар билан таъминлаш глобал муаммолардан бири бўлиб бормоқда.

Юртимиз аҳолисини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда барқарорликка эришилаётгани бизни қувонтиради. Айниқса, пахта ва ғаллачилик каби стратегик муҳим қишлоқ хўжалиги экинлари билан бир қаторда, мева-сабзавотчилик, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва асаларичилик соҳаларида ҳам ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ўсди, қайта ишлаш тармоқлари ва ички бозорни сут, гўшт, картошка, сабзавот каби кундалик турмушдаги энг муҳим озиқ-овқат ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан янада кўпроқ тўлдириш учун мустаҳкам хомашё базаси яратилди.

Бу борадаги кенг қўламли ислохотлар жорий «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгилангани қувонарли, албатта. Жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини, хусусан, сут, гўшт, мева-сабзавот ва узумни қайта ишлашни чуқурлаштириш, озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун янги корхоналар барпо этиш, мавжудларини реконструкция ҳамда модернизация қилиш бўйича умумий қиймати 94,5 миллиард сўмдан ортиқ 288 лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилгани фикримизнинг ёрқин далилидир.

Таъкидлаш жоиз, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси дастурида қишлоқ хўжалигини бозор иқтисодиёти асосида модернизация қилиш, уни инновацион-технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, қишлоқда инфратузилмани янада ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш партиянинг устувор вазифаси сифатида белгиланган. Шу нуқтаи назардан айтганда, «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган устувор вазифалар партиямиз мақсад ва вазифаларида ҳам ўз аксини топгани боис Давлат дастури ижросини таъминлаш, унинг назоратини кучайтиришда

партиямиздан сайланган барча даражадаги депутатлар фаол иштирок этишлари шарт.

Ҳозирги кунда республикамизда қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатаётган инфратузилма муассасаларининг аксарияти техника, ёнилғи, минерал ўғит ва шу каби бошқа ишлаб чиқариш инфратузилмаси тизимга мансуб ташкилот ва корхоналардир. Ахборот-маслаҳат, консалтинг, аудиторлик ва бошқа бозор инфратузилма муассасалари, улар умумий сонининг 20 фоизгача бўлган қисмини ташкил этади. Шу билан бирга, республика вилоятлари бўйича бозор инфратузилмаси муассасалари (банк тизимларидан ташқари) жойлашуви ҳозирги талаб даражасида эмас. Ҳозиргача қишлоқ тадбиркорлари консалтинг, ахборот ва шу каби хизматлар учун вилоят марказига, аксарият ҳолларда эса Тошкент шаҳрига қатнашларига тўғри келмоқда. Бу борада айрим вилоятларда ушбу соҳа корхоналарини ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича тўпланган тажрибаларни ўрганиш ва бошқа ҳудудларга кенг жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлур еди. Қишлоқда бозор инфратузилмаларини ривожлантириш асосан соҳада ишлаш учун кадрлар тайёрлаш ва уларнинг касбий тайёргарлик даражасини ошириш билан боғлиқ. Шуни ҳисобга олганда вилоятларда мавжуд олий ўқув юртлари ҳамда бошқа ўқув тизимларда инвестицион лойиҳаларни тузиш, мулкни баҳолаш, брокерлик, корхона менежери, маркетинг соҳалари бўйича мутахассислар тайёрлаш ва уларни қайта ўқитишни кенгайтириш зарурдир.

Бу соҳада яна бир муҳим масала - бозор инфратузилмаси муассасаларининг хизматлари учун тўланадиган ҳақ доимо ўсиб бормоқда. Шу туфайли кўплаб кичик корхоналар, деҳқон, фермер хўжаликлари, бозор инфратузилмаси муассасалари хизматларидан фойдаланиш имкониятига эга эмаслар. Вилоятларда фаолият кўрсатаётган аксарият бозор инфратузилма муассасаларининг бош ташкилотлари Тошкент шаҳрида жойлашган, шуни ҳисобга олганда, улар ўз тасарруфидаги вилоят бўлимларига хизмат харажатларини пасайтиришга ҳар томонлама ёрдам беришлари лозим. Шу

билан бирга, вилоятларда қишлоқдаги тадбиркорларга турли хизматлар кўрсатаётган консалтинг, ахборот-маслаҳат, аудиторлик марказларга солиқ бўйича имтиёзлар бериш ҳам бу йўналишдаги ишлар ривожига муҳим иқтисодий асос бўлар еди.

Яна бир муҳим масала, бу Олий Мажлис томонидан 2002 йил 4 апрелда қабул қилинган "Кредит иттифоқлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни амал қилишини тезлаштириш ҳисобланади. Гап шундаки, Осиё Тараққиёт банки ҳамда Жаҳон кредит иттифоқлари кенгаши ҳамкорликда Ўзбекистоннинг қишлоқ жойларида кредит иттифоқлари ташкил этиш лойиҳасини амалга оширмоқда. Қонунга асосан кредит иттифоқлари қишлоқда деҳқон, фермерлар ва шу каби юридик шахс мақомига эга ҳамда алоҳида қишлоқ фуқароларининг ихтиёрий бирлашуви орқали амалга оширилиши мумкин. Қонунда кўзда тутилган ушбу механизмни республиканинг ҳамма вилоят туманларида фаол амалга ошириш, жойларда фермер хўжаликлари ва якка тадбиркорлик билан шуғулланувчи фуқароларнинг ўз бизнесини ривожлантириш ёки янгидан ўз ишини ташкил этишини тезлаштиради. Бу эса шу ҳудудда аҳоли бандлиги ва даромади ошишига катта имкон яратади.

Шуни таъкидлаш жоизки, иқтисодиётнинг эркинлашуви бозорда рақобатни юзага келишини тезлаштиради, ана шундай шароитда хизматлар кўрсатувчи инфратузилма муассасалари хизматига, айниқса, консалтинг, ахборот ва шу каби хизматларга бўлган талаб янада ошади. Шуни ҳисобга олганда, улар ишини янада фаоллаштириш чора-тадбирларини ҳозирдан белгилаш ва амалга ошириш керак.

➤ Фермер хўжаликларининг моддий-техника базаси ва уни мустаҳкамлаш бўйича қабул қилинган ҳукуқий-меъёрий ҳужжатлар, уларнинг моҳияти ҳамда амалга оширилаётган тадбирлар кўлами.

➤ Республика ҳудудлари кесимида фермер хўжаликларига хизмат кўрсатиш ва таъминот йўналишидаги инфратузилма субъектларининг турлари, уларни ташкил қилиш ва ривожлантириш даражаси.

➤ Қишлоқ ҳудудларида инфратузилма субъектларининг самарали фаолият кўрсатишига салбий таъсир кўрсатадиган омиллар ва уларни бартараф қилиш йўллари.

➤ Фермер хўжаликларининг талабларини ҳисобга олган ҳолда инфратузилма субъектларини ривожлантиришда туман ҳокимларининг, шунингдек, тегишли ташкилот ва корхоналар раҳбарларининг асосий вазифалари.

Мамлакатимизда фермерлик ҳаракати қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг асосий ишлаб чиқарувчисига ҳамда аграр соҳани ва у билан боғлиқ бўлган бошқа тармоқларни ҳамда ишлаб чиқаришларни янада ривожлантириш, шунингдек, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини ошириш учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган қудратли ижтимоий-сиёсий кучга айланиб бормоқда.

Ҳозирги кунда фермер хўжаликларини янада такомиллаштириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш, ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, ер-сув ресурсларидан ва яратилган ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланишда, қишлоқни жадал ривожлантириш ва ободонлаштиришда, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини таъминлашда уларнинг ролини кучайтириш зарур.


Шуни таъкидлаш керакки, ҳозирга кунда амалда бўлган фермерлик ҳаракатини ташкил қилиш ва бошқариш тизими, хусусан фермер хўжаликлари уюшмаси ва унинг ҳудудий тузилмалари фаолитяи қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ислоҳ қилиш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш вазифаларининг тезкорлик билан бажаришга суст таъсир ўтказмоқда.

Ҳозирги шароитда фермерлик ҳаракати олдида турган жамиятни демократлаштиришни чуқурлаштириш, иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш ва либераллаштириш, мамлакат аграр секторини барқарор ва самарали ривожлантиришнинг, аҳоли фаровонлигини оширишнинг энг муҳим буғини сифатида фермер хўжаликларининг роли ва аҳамиятини ошириш

вазифаларининг фермерлик ҳаракатининг томонидан рўёбга чиқарилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Фермер кенгашининг ташкилий тузилмаси ишлаб чиқилди(4.3.1-чизма).

4.3.1-чизма

Ўзбекистон Фермерлари кенгашининг ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ



Ҳозирги шароитда фермерлик ҳаракати олдида турган жамиятни демократлаштиришни чуқурлаштириш, иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш ва либераллаштириш, мамлакат аграр секторини барқарор ва самарали ривожлантиришнинг, аҳоли фаровонлигини оширишнинг энг муҳим бўғини сифатида фермер хўжаликларининг роли ва аҳамиятини ошириш вазифаларининг фермерлик ҳаракати томонидан рўёбга чиқарилишини таъминлаш мақсадида жорий йил 22 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Унда мазкур жабҳага доир бошқа муҳим чора-тадбирларни белгилаш билан бир қаторда Ўзбекистон Фермер

хўжаликлари уюшмаси конференциясининг уни белгиланган тартибда тугатиш тўғрисидаги қарорига ва Ўзбекистон Фермерлари кенгашини, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманларнинг фермерлар кенгашларини ташкил қилиш тўғрисидаги ташаббусига розилик ҳам берилди.

Ўзбекистон Фермерлари кенгашинининг таъсис конференциясида тасдиқланган уставида ушбу нодавлат нотижорат ташкилотнинг Ўзбекистон Фермерлар уюшмасидан тубдан фарқ қиладиган қуйидаги энг муҳим ташкилий жиҳатлари белгиланган.

Биринчидан, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши республика фермерлари томонидан ташкил этилган нодавлат нотижорат ташкилоти бўлиб, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлар Фермерлар кенгашлари билан биргаликда ўзини ўзи бошқарадиган ягона тизимни ташкил этади. Уларнинг фаолиятига давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг аралashiши тақиқланади.

Иккинчидан, аввалги Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси кенгашининг раиси бир вақтнинг ўзида уюшманинг ижро этувчи аппарат раҳбари ҳисобланган бўлса, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши раиси ва мазкур кенгашнинг ижро аппаратини алоҳида шахслар бошқаради. Худудий ва туман фермерлар кенгашларининг ижро аппаратлари, яъни котибиятларига эса тегишли кенгашларнинг раислари раҳбарлик қиладди.

Учинчидан, Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси кенгашининг 29 нафар аъзосидан 10 нафари давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг раҳбар ходимлари ва мутахассисларидан иборат бўлган бўлса, Ўзбекистон Фермерлари кенгашининг барча 23 нафар аъзолари конференция делегатлари – туманлар ва вилоятлардан сайланган фермер хўжаликлари раҳбарлари орасидан бўлади.

Тўртинчидан, Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмасининг вилоятларда филиаллари бўлиб, туманларда эса таркибий тузилмаси мавжуд бўлмаган. Фермерлар кенгашлари эса ҳам худудий (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар), ҳам туман даражасида алоҳида юридик шахс

мақомига эга бўлган, ўз фаолиятида фақатгина ўша ҳудудлардаги фермер хўжаликлари олдида ҳисобдор нодавлат нотижорат ташкилоти сифатида ташкил этилган. Кенгашлар қуйидан юқорига қараб шаклланади (туман – вилоят – республика).

Бешинчидан, барча даражадаги Фермерлар кенгашлари аввалги фермер хўжаликлари уюшмасидан фарқли равишда кучли ва бугунги давр талабига жавоб берадиган, хусусан ҳуқуқшунос, иқтисодчи, ҳисобчи каби мутахассислардан иборат ижро аппаратида эга бўлади.

Олтинчидан, фермерлар кенгаши муҳокамасига қўйилган барча даражадаги масалалар очик ва кўпчилик овоз билан ҳал этилади. Кенгашларнинг олий органи конференция бўлиб, унда кенгашларнинг энг муҳим масалалари кўриб чиқилади.

Еттинчидан, барча даражадаги фермерлар кенгашида иқтисодий ва молиявий масалаларни таҳлил қилиб борадиган тафтиш комиссиялари тузилади.

Умуман олганда, ҳар бир фермер англаб етиши зарурки, янги ташкил этилган Ўзбекистон Фермерлари кенгаши фермер хўжаликлари уюшмасидан тубдан фарқ қилувчи ташкилот бўлиб, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ ҳимоя остига олади.

Шу ўринда, берилган бу ҳуқуқ ва ваколатларни тўлиқ амалга ошириш биринчи навбатда фермерларимизнинг янгича фикрлаши ва ташаббускор бўлишига боғлиқ эканлигини таъкидламоқчиман. Чунончи, фермерликни ривожлантириш борасида давлат томонидан яратилаётган бундай шарт-шароитларга фермерлар ҳам ўз меҳнати, ақл-заковати ва ташаббускорлиги билан жавоб қайтаришлари керак.

5. Фермер хўжаликларида меҳнат шароити ва ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш йўллари

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида чуқур иқтисодий ўзгариш бўлаётган бир даврда, кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури кучга кириши, юқоридаги фикрни амалга оширишнинг дастлабки босқичи бўлиб хизмат қилади. Кўп босқичли таълим тизимига биноан олийгоҳларда тайёрланадиган бакалаврлар учун ўқув режасига «Ҳаётий фаолият хавфсизлиги» фанининг киритилиши бўлғуси мутахассисларнинг билимини чуқурлаштирилишига ёрдам бериши сўзсиздир.

Ҳаётий фаолият хавфсизлиги (ХФХ) фанининг диққат марказига қўйилган мақсад бу инсоннинг жамият тараққиётидаги ролидир. Ҳаётий фаолият хавфсизлиги-бу ҳар қандай шароитдаги инсон фаолиятидир. Инсоннинг ҳамма фаол ҳаракати (меҳнат жараёнида, дам олишда, уйда ҳамда спортда) унинг фаолиятини ташкил қилади.

1. Ҳаётий фаолият хавфсизлиги фани ўз таркибига инсон фаолиятининг атроф-муҳит билан алоқаси, меҳнат фаолиятидаги хавфсизлиги ва фавқулодда вазиятлардаги хавфсизлиги бўлимларини қамраб олгандир. Ҳаётий фаолият хавфсизлиги принцип ва усуллар асосида: бахциз, ходисалар, қурбонлар ва улар натижасида келиб чиқадиган зарарларни камайтириш масалаларини кенг миқёсда қўядиган ва ҳал қиладиган фандир. ХФХ-бу ҳар қандай қўринишдаги фаолиятга қўлланиши мумкин бўлган хавфсизликнинг назарий асосидир.

«Ҳаётий фаолият хавфсизлиги» курси бўлғуси мутахассисларни меҳнат муҳофазасининг илмий асосларига доир билимлар билан қуроллантириш ва уларда ишлаб чиқаришдаги меҳнат шароити ҳамда меҳнат муҳофазасини яхшилаш муаммоларини ижобий ҳал этишга қизиқиш уйғотишга мўлжалланган. Бунинг илмий замини эса қуйидагилардан иборатдир.: ишлаб чиқаришда шикастланиш, касалликлар, ишлаб чиқаришда содир бўладиган ёнгин ҳамда портлашлар сабабларини ҳар томонлама таҳлил қилиш; ишлаб чиқаришдаги хавфлилик ва зарарлилик даражасини ўрганиш; тўқимачилик,

пахта, ипак ва енгил саноатда қабул қилинган ёки жорий этишга тавсия этиладиган, оғир ҳамда сермеҳнат ишларни механизациялаш ва автоматлаштиришни кўзда тутувчи технологик жараёнларни баҳолаш. Мазкур курс «Эргономика», «Мухандислик психологияси», «Меҳнатни илмий ташкил қилиш», «Техник эстетика», «Меҳнат физиологияси ва гигиенаси», «Хуқуқшунослик», «Иқтисодиёт», «Атроф муҳитни муҳофаза қилиш» каби фанлар билан боғлангандир.

Ўзбекистон Давлат стандарти ишлаб чиқиш ва жорий этиш устида иш олиб бормокда. Бу мажмуалар ишлаб чиқариш ускуналари ва жараёнларига, ишловчиларни химоялаш воситаларига ҳамда корхоналарнинг меҳнат муҳофазаси соҳасидаги ишни ташкил қилишга тааллуқлидир.

Янги технологик жараёнларнинг яратилиш, янги ашёларнинг қўлланиши принцип жиҳатдан янгича ёндошувни, меҳнат хавфсизлигини таъминлашнинг янги усуллар ҳамда воситаларини ишлаб чиқишни, шунингдек ана шу масалалар бўйича янги меъёртивларни яратишни тақозо этади. Шу сабабли меҳнат муҳофазасига доир меъерий хужжатларни тартибга солиш зарурати пайдо бўлди. Бу хужжатлар давлат стандартлаштириш системасининг таркибий қисмига айланади.

Меҳнат хавфсизлиги стандартлари мажмуаси (МХСМ)-бу ўзаро боғлиқ стандартлар мажмуасидан иборат бўлиб, улар уч гуруҳга бўлинади ва қуйидагиларни белгилайди: хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларига доир умумий талаблар ҳамда меъёрлар; ишлаб чиқариш жараёнларига доир хавфсизликнинг умумий талаблари; ишловчиларни химоялаш воситаларига доир талаблар; меҳнат хавфсизлигини баҳолаш методикаси. Саноат корхоналарининг технологик ускуналариغا доир умумий талаблари «Меҳнат хавфсизлиги талаблари мажмуаси. Саноат корхоналари учун технологик ускуналар. Хавфсизликнинг умумий талаблари» да баён этилган.

Техника тараққиёти натижасида замонавий механика - машинасозлик корхоналарида турли туман жиҳозларнинг кириб келиши, шунингдек бу машиналарнинг унумдорлигини оширишга талабнинг кучайганлиги,

машиналарнинг иложи борича кам материал сарфлаб, қўл билан бажариладиган вазифаларни механизмлар зиммасига юклаш натижалари инсонга таъсир этувчи қўшимча ҳодиса, титраш ҳодисасини келиб чиқишига олиб келди. Титраш саноатда ишчининг иш унумдорлигини камайтирибгина қолмасдан, балки унинг соғлигига ҳам таъсир кўрсатиши ва бу таъсирнинг олди вақтлироқ олинмаса, хавфли титраш касаллигига олиб келиши аниқланди. Шунинг учун ҳам титрашга қарши кураш муҳим аҳамиятга эга.

2. Ҳаётининг фаолият хавфсизлиги тушунчасида кўп учрайдиган таърифлар билан белгиланади.

Фаолият-инсоннинг жамиятда мавжуд бўлиши учун керакли шароит. Меҳнат-фаолиятнинг юкори шакли. Файласуфларнинг фикрича, инсоннинг таърифи-ҳаракатдаги, меҳнатдаги фаолиятидир.

Меҳнат ва фаолият шакллари турлича бўлиб, улар ҳаётда учрайдиган аклий, маънавий, маданий, илмий ва бошқа жараёнларни ўз ичига олади.

Хавфлар-яширин (потенциал) ва ҳақиқий бўлади. Яширин хавфлар амалга ошиши учун аниқ шартлар бўлиши лозим. Бу шартлар сабаб деб аталади. Хавф ва сабаларни мисоллар (ракамларда) кўриш мумкин:

Сўнгги 30 йил ичида (69-1990 й.) табиий офат икки марта кўпайган;

1909 йилдан 1974 йилгача асабий касалликлар 24 марта кўпайган;

Дунёда 500 млн. га якин ногиронлар бўлиб, уларнинг 1/5 қисми бахциз ҳодиса натижасида бўлган.

Хар қандай фаолият яширин (потенциал) хавфлидир. Шу билан бирга хавф даражасини бошқариш ҳам мумкин. Буф икр мутлако хавфсиз фаолият бўлмаслигига асосланган.

Хавфсизлик – бу айрим эҳтимолларга асосланиб пайдо бўладиган хавф-хатарларни истисно этилган фаолият ҳолатидир.

Хавфсизлик – бу мақсад, ХФХ бўлса шу мақсадга эришиш учун қўлланадиган воситалар, йўл-йўриқ, қўлланмалар усуллардир.

ХФХ – бу хавф-хатарларни ўрганиш ва инсонни химоя қилишни ўрганадиган фандир.

3.Хавфсизликнинг умумий назариясининг тузилишида тамойил (принцип)лар ва усуллар кўрилатган билим соҳасида алоқадор тўғрисида тўла тасаввур қилишга методологик аҳамиятга эга.

Асос (негиз, принцип)-бу фикр, гоя, мақсад (асосий ҳолатдир).

Усул-бу энг умумий қонуниятларни билиш орқали мақсадга эришиш йўли.

Хавфсизликни таъминлаш чоралари – бу усулларни ва асосларни амалий, ташкилий, моддий ғавдалантириб амалга оширишдир.

Асослар, усуллар, чоралар – бу хавфсизликни таъмин этишдаги мантикий қўғоналардир. Уларни танлаб олиш фаолиятнинг аниқ шароитларига, хавфнинг даражасига ва бошқа мезонларга боғлиқ.

4. Инсон ўз меҳнат фаолияти жараёнида бўладиган фазо – иш жойи деб аталади (гомосфера). Хавф мавжуд ёки вақти-вақти билан пайдо бўладиган фазони ноксосфера дейилади. Хавфсизликни таъминлашга қуйидаги 3 хил усуллар орқали эришилади:

А)Гомосфера ва ноксосферани фазовий ва вақтий маънода ажратиб қўйиш, буни ҳал қилиш учун масофадан бошқариш, автоматлаштириш, роботлаштириш воситалари ёрдамидан фойдаланилади.

Б)Хавфларни йўқотиш йўли билан ноксосферани меъёрлаштириш. Бу усулга ишчиларнинг шовкин, газ, чангдан, жароҳатланишидан сакловчи шахсий ва коллектив химоя воситалари қўллаш.

В)Бу усул ишчиларни тегишли муҳитга мослашишга, уни химоялашдаражасини қўтаришга йўналтирилган ҳар хил воситалар ва усулларни ўз ичига олади. Қасбига қараб танлаш, рухий таъсир ва (шахсий) химоя воситалари қўллаш. Амалда эса юқорида айтилган усуллар (комбинацияси) биргаликда қўлланилади.

Хавфсизликни таъминловчи воситаларга, жамоа (коллектив) ва шахсий химоя воситалари қиради. (ЖХВ ва ШХВ). Улар ўз йўлида хавфларнинг турига, тузилишига, ишлатиш соҳасига нисбатан гуруҳларга бўлинади.

5. Меҳнат муҳофазаси бўлими «Хаётий фаолият хавфсизлиги» фанининг мутахассисликка тегишли асосий назарий қисмини беради. Аник муаммолар, транспорт воситалари, технологикжараёнлар, иш турлари, бино ва иншоотлар учун хавфсизликни таъминлаш ҳар бир фаннинг мутахассислик курсларида берилади.

Меҳнат муҳофазаси борасида илмий тадқиқот ишларини меҳнатни муҳофазаси қилиш институти ва олий ўқув юртларининг ХФХ кафедралари, кўплаб тиббиёт илмий-тадқиқот ташкилотларида олиб борилади. Одатда барча стандарт ва техник талабларга «Хавфсизлик техникаси» талаблари киритилади.

Меҳнат шароитининг яхшиланиши ижтимоий натижаларга-яъни меҳнаткашларнинг соғлиғини яхшилаш, ўз ишидан мамнунлик даражасини ошириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш ва жамоат фаолиятини оширишга олиб келади.

Меҳнат муҳофазаси талабларига жавоб бермайдиган бирон бир янги машина ёки механизм ишлаб чиқаришга қабул қилинмаслиги керак. Шунингдек меҳнат муҳофазаси талабларига жавоб бермайдиган бирор цех ёки корхона эксплуатациясига туширилмаслиги керак.

Ўзбекистонда меҳнат муҳофазаси кўплаб қонун чиқарувчи расмий ҳужжатлар билан белгилаб қўйилган бўлиб, тартибга солиб ва бошқариб турилади.

Хулоса ва таклифлар

Мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш шароитида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда фермер хўжаликларининг иқтисодий ва молиявий мустақиллиги учун мустаҳкам ҳуқуқий асослар ва кафолатларни яратиб берувчи Ер кодекси, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонун ҳамда бошқа қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар борки, уларнинг барчаси деҳқонларимизнинг эркин фаолият юритишларини таъминлашга қаратилган.

Иқтисодиётни ривожлантириш, аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтириш, қишлоққа саноатни олиб кириш ва муқим иш жойларини яратишда фермер хўжаликларининг ўрни катта. Шу боис, кейинги йилларда бевосита давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мазкур соҳага кенг имкониятлар яратиш, фермерлик фаолиятини иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Шу сабабли ҳам бизнинг тадқиқотимиз объекти бўлган Жомбой туманида фермерлик ҳаракатини қишлоқ хўжалиги ривожлантиришдаги роли ва иқтисодий самарадорлигини ошириш ва уларни сотиш имкониятларини аниқлаш борасида амалга оширилган илмий тадқиқот натижаси қуйидаги хулосалар қилиш имкониятини берди:

2012 йил Жомбой тумани қишлоқ хўжалик корхонларининг экин майдони 6223 гектарни, 2011 йил 5779,2 гектарни ва 2010 йил 5317,9 гектарни ташкил қилган. Туманда асосий қишлоқ хўжалик экинларидан ғалла, пахта, сабзавот, полиз, мева, картошка, ва узум ҳисобланади. Умумий экин майдонининг асосий таркибини ҳам ушбу экинлар ташкил қилган. Ғалла экин майдони 2012 йил 1264 гектарни 2011 йил 1216,5 гектарни ва 2010 йил 1214,1 гектарни ташкил қилган. 2012 йил 2010 йилга нисбатан 49,9 гектарга ёки 4,1 %га ошган. Пахта 2012 йилда экилиши режалаштирилмаган. Туманнинг табиий иқлим шароитига кўра ихтисослашувига кўра сабзавотга экишга мослаштирилган. 2011 йил 774,5 гектарни, 2010 йил 775,3 гектарни ташкил қилган. Туманда сабзавот, полиз ва картошка етиштиришга

ихтисослашганлиги аниқланди. Жадвалда келтирилган рақамлардан ҳам маълумки бу соҳадаги экинлар майдони камлиги.

Тумандаги етиштирилаётган экин майдонлари жамиси 2012 йил 2010 йилга нисбатан 905,1 гектарга ёки 17%га ошган. Бунинг сабаби бошқа хўжалик юритувчи субъектлардан олинган.

Жомбой тумани қишлоқ хўжалик корхоналарининг асосий иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қилиб чиқамиз. Туманда 2012 йил жами экин майдони 6223 гектарни, 2011 йил 5779,2 гектарни ва 2010 йил 5317,9 гектарни ташкил қилган. Шундан 2012 йилдаги 6223 гектарнинг 5828 гектари фермер хўжаликларига тўғри келади. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг экин майдони 17%га фермер хўжаликларининг экин майдонлари эса 19,2 %га ошган. Фойда 2012 йил 14075,2 минг сўм, 2011 йил 13383,8 минг сўм ва 2010 йилда эса бу 6707,7 минг сўмни ташкил қилган. 2012 йил 2010 йилга нисбатан фойда ўзгариши 2 марта кўп. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш рентабеллиги 25,2%ни ташкил этган. 2010 йилга нисбатан 3,5 пунктга ошган. Фермер хўжалигини 2012 йилда ишлаб чиқаришдан олинган фойда 13404,4 минг сўмни, 2011 йил 12308,5 минг сўмни ва 2010 йил 6356,4 минг сўмни ташкил қилган. 2012 йил 2010 йилга нисбатан 2,1 марта ошган. Рентабеллик даражаси 2012 йил 25,7 %ни ташкил қилган. 2010 йилга нисбатан 3,3 пунктга ошган. Фермер хўжаликларининг рентабеллик даражаси қишлоқ хўжалик корхоналарининг бошқа хўжалик юритиш шаклларига нисбатан 0,5 пунктга кўп эканлигини кўришимиз мумкин.

Жомбой туманида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш рентабеллиги 0 дан катта бўлган. Бу албатта хўжалик фаолияти ижобий натижаларга эришган.

Юқридаги хулосалардан келиб чиқиб, Жомбой тумани Фермер хўжаликларини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган чора тадбирлар бўйича қуйидаги таклифларни берамиз:

1. Ҳозирча нархлар пастроқ бўлсада, давлат харид баҳолари фермер хўжаликлар учун асосий сотиш канали ҳисобланади. Ҳар йилги оширилиб

борилаётган давлат харид баҳоларидан келиб чиққан ҳолда мазкур сотиш каналини фермерлар ҳисобдан чиқармаслиги лозим ва маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларни пасайтириб бориш лозим.

2. Маҳсулот сотиш каналларининг турличалиги сотиш баҳоларининг ҳам хар хиллигини келтириб чиқармоқда. Улар орасида сотиш баҳоларининг юқори каналлари хўжаликларга кўпроқ даромад келтирмоқда.

3. Туманда қишлоқ хўжалигини, умуман фермер хўжалигини барқарор ривожлантиришда тупроқ унумдорлигини таъминлайдиган такрор ишлаб чиқариш ҳамда маҳсулотларни қайта ишлашини ташкил этиш ва маҳсулотларни сотишда мавсумийликдан қутилиш керак.

4. Давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликларини кредитлаш тизимини ва солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш;

5. Фермер хўжаликлари ходимларининг иқтисодий, ҳуқуқий ҳамда технологик билимларини ошириш;

6. Туман фермер хўжаликларида тайёрлов, таъминотчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналар ўртасидаги шартномаларга томонларнинг жавобгарлигини янада кучайтириш.

7. Фермер хўжаликларига ажратилган ресурсларни асосий ишлаб чиқариш харажатларига йўналтириш ва меъёр бўйича сарфлаш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2008.
2. Ўзбекистон Республикаси Мулкчилик тўғрисида қонуни. –Т., 1992.
3. Ўзбекистон Республикаси Фермер хўжалиги тўғрисида қонуни. –Т., 2004.
4. Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси. –Т.,1998.
5. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси. –Т., 2007.
6. Каримов И.А. Қишлоқ хўжалиги тараққиёти-тўқин ҳаёт манбаи. -Т.: Ўзбекистон, 1998.
7. Каримов И.А. Инсон манфаатлари устиворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир – Тошкент, 2008. – 23 бет.
8. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Т.: Ўзбекистон, 2009.
9. Karimov I.A. BMT sammiti mingyillik rivojlanishi maqsadlariga bag‘ishlangan yalpi majlisdagi nutqi // Xalq so‘zi, 22.09.2010.
10. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. -Т.: Ўзбекистон, 2010.
11. Каримов И. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. – Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 28.01.2010.
12. Каримов И.А. “2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” номли 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилга мўлжалланган Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 20.01.2012. № 14.
13. Абдуғаниев А., Абдуғаниев А.А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. -Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси, 2004.

14. Абдуллаев А.А., Айбешов Х.А. Фермер хўжалиги иқтисоди. -Т.: Алоқачи, 2008.
15. Абдикаримов Б.А. ва бошқалар. Корхоналар иқтисодиёти. -Т.: Фан, 2005.
16. Атабаева Ҳ., Қодирхўжаев О. Ўсимликшунослик. -Т.: Янги аср авлоди, 2006.
17. Бакетт М. Фермер хўжалигини ташкил қилиш ва бошқариш. -Т., 2000.
18. Жўраев Ф. Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш. -Т.: Истиқлол, 2004.
19. Зокиров О. ва бошқалар. Агроиқтисодиёт. – Андижон, 2001.
20. Исмоилов А.Қ., Муртазаев О. Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти. Дарслик. - Т.: Молия, 2005.
21. Ибрагимов Р. Маркетинг. –Т.: Шарқ, 2002.
22. Перегудов Л.В. ва бошқалар Маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини бошқариш -Т.: Молия, 2002.
23. Солиев А. Маркетинг бозоршунослик. –Т.: АРТ-FLEX, 2008.
24. Мадрахимов Қ. Тараққиёт сари ташланган қадам // Жамият ва бошқарув. 2001. 4-сон.
25. Муртазаев О., Ганиев И., Ҳасанов Ш., Ахроров Ф. Аграр сиёсат ва қишлоқ хўжалик бозорлари. –Самарқанд, 2009.
26. Олимжонов О. ва бошқалар Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий ва молиявий асослари. -Т.: Университет, 2005.
27. Умирзоқов Ў.П., Тошбоев А., Тошбоев А.А. Фермер хўжалиги иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. -Т.: Иқтисод-молия, 2008.
28. Худойбердиев З., Хўжаназаров Ю. Маркетинг асослари. –Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2010.
29. Қудратов Т. ва бошқалар Корхоналар фаолиятининг иқтисодий таҳлили. Методик қўлланма. –Самарқанд, 2008.
30. Ганиев М., Маҳкамов И., Бекмирзаев М. Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. –Тошкент, 2011. -№12. - 34 б.

31. Жомбой тумани фермер хўжаликларининг йиллик ҳисоботлари. 2009-2011 йиллар.
32. Жомбой тумани Қишлоқ ва сув хўжалик бўлимининг йиллик ҳисоботлари. 2009-2011 йиллар.
33. Интернет сайтлари
- 33.1. www.gov.uz-Ўзбекистон Республикаси ҳукумати портали.
- 33.2. www.edu.uz-Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги сайти.
- 33.3. www.ziyonet.uz-Олий таълимда информацион ресурслар кутубхонаси сайти.
- 33.4. www.mf.uz-Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги расмий сайти.
- 33.5. www.cer.uz-Иқтисодий тадқиқотлар маркази расмий сайти.
- 33.6. www.stat.uz - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси сайти
- 33.7. www.ft.uz – Фермерлар ва томорқачи сайти
- 33.8. <http://turkistonpress.uz/article/486> - Туркистон пресс нодавлат ахборот агентлигининг сайти